

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 17 » апрель 2019 у.

№ 320

Toshkent sh.

**Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 26 июнданги ПҚ-3802-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати ходимлари меҳнатига Ягона тариф сеткаси бўйича хақ тўлаш бўйича разрядлар 4 – 7-иловаларга мувофиқ белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўн кун муддатда:

Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари тўғрисидаги низомларни;

туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига 8-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлари 9-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – молия вазири Ж.А. Кўчкоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси раиси Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил «17» апрелдаги 320-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий коидалар

1. Ушбу Низом “Давлат солик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қопунига, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика солик органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 8 январдаги ПК-1257-сон ва “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 26 июндаги ПК-3802-сон қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг (кейинги ўринларда Кўмита деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хукуклари, мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш тартиби ва хисоботини, шунингдек, давлат солик хизмати органлари раҳбарларининг функционал мажбуриятлари ва жавобгарликларини белгилайди.

2. Кўмита солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ва давлатнинг иқтисодий манфаатлари химоя килинишини таъминлаш соҳасидаги назорат бўйича республика давлат бошқаруви органи хисобланади.

Кўмита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади.

3. Кўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Давлат солик хизмати органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, солик тўловчилар, шу жумладан юридик ва жисмоний шахсларнинг ижро этиши учун мажбурий хисобланади.

5. Кўмита, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари, туманлар (шахарлар) давлат солик инспекциялари (кейинги ўринларда давлат солик хизматининг худудий органлари деб аталади), Йирик солик тўловчилар бўйича худудлараро давлат солик инспекцияси (кейинги ўринларда Худудлараро инспекция деб аталади), шунингдек, Кўмита тизимиға кирадиган ташкилотлар юридик шахс хисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи давлат тилида ёзилган мухрга ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазнилигида шахсий ғазна хисобваракларига, банк хисобракамларига, шу жумладан чет эл валютасидаги хисобракамларига эга.

6. Давлат солик хизмати органлари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари, мажаллий давлат ҳокимияти органларидан мустакил равишда амалга оширадилар.

7. Кўмитанинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси, қисқартмаси – Давлат солик кўмитаси ёки ДСК;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан, қисқартмаси – Государственный налоговый комитет ёки ГНК;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan, қисқартмаси – State Tax Committee ёки STC.

8. Давлат солик кўмитасининг жойи (почта манзили): Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13А-уй, 100011.

2-боб. Кўмита тузилмаси

9. Кўмита тузилмасига куйидагилар киради:

Кўмита марказий аппарати;

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари;

туманлар (шаҳарлар) давлат солик инспекциялари;

Йирик солик тўловчилар бўйича худудларо давлат солик инспекцияси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази;

Тошкент, Бухоро ва Фарғона солик коллежлари;

юридик шахс макомига эга бўлган тасарруфидаги давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда тасарруфидаги ташкилотлар деб аталади):

“Солик-сервис” давлат унитар корхонаси;

“Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази” давлат унитар корхонаси;

“Хумсон санаторийси” давлат унитар корхонаси;

“Ғазалкент соғломлаштириш маркази” давлат корхонаси;

“Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси” давлат унитар корхонаси.

3-боб. Кўмитанинг вазифалари ва функциялари

10. Куйидагилар Кўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат солик сиёсатини амалга ошириш ҳамда солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда Давлат бюджети деб аталади) ва давлат мақсадли жамғармаларига соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва бир хилдаги тушумини таъминлаш ҳисобига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромад қисмини баркарор шакллантириш;

солик тўловчилар ва солик солиш объектларининг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, уларнинг тўлиқ қамраб олиниш

механизмларини солиқ маъмурнятчилари жараёнига маълумотларни тўлиқ йигиш ва кайта ишлашни таъминлатдиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш орқали такомиллаштириш;

солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича таҳлил қилиш ва таъсирчан чоралар ишлаб чиқиши, шу жумладан макроинтесодий кўрсаткичларнинг динамикаси ва худудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали таъсирчан чоралар ишлаб чиқиши, соликлар йигилишини ошириш бўйича чораларни амалга ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вактида топширилиши юзасидан мунтазам назоратни таъминлаш;

бозорлар ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг худудида аниқланган ҳукукбузарликлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишилигига кўра ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш;

солиқ тўловчилар ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажариши учун мақбул шарт-шароитлар яратиш, ҳар бир ходим томонидан “Солиқ хизмати – инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори” деган мақсадли вазифани сўзсиз бажариш;

солиқ тўловчиларнинг ҳукукий маданиятини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш, соликка оид ҳукукбузарликларнинг профилактикаси, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни бажариш;

солиқ тўловчиларга муроқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш йўли орқали солиқ тўловчилар билан ишланини такомиллаштириш;

конун ҳужжатларини такомиллаштириш ва солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш;

кадрларни ташлаш ва жой-жойига қўйиш, давлат солиқ хизмати органларини юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган малакали ходимлар билан тўлдириш, шунингдек, кадрларни касбга тайёрлаш ва кайта тайёрлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

давлат солиқ хизмати органлари ходимларига корпоратив этикани сингдириш, коррупция факларига кескин барҳам бериш бўйича таъсирчан чораларни, шу жумладан ходимлар манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилиш йўли билан амалга ошириш, ишга расмиятчилик билан ёндашишга барҳам бериш, шунингдек, ходимлар ўртасида ҳукукбузарликлар профилактикасини таъминлаш, ўз хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш мотивацияси тизимини жорий этиш ва улар учун хизматни ўташнинг муносаб шарт-шароитларини яратиш.

худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича давлат солиқ хизмати органларига биринтирилган секторларда, солиқ солиш соҳасидаги тизимли муаммоларни ўрганиш ва аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

11. Қўмита ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) давлат солиқ сиёсатини амалга ошириши ҳанда солиқ тұғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқтар ва бошқа мажбuriй тұловларнинг тұғри ҳисоблаб чиқарышиши, тұлық ва ўз вактида тұланиши юзасидан солиқ назоратини таъминлаш соҳасида:

солиқтар ва бошқа мажбuriй тұловларнинг Давлат бюджетига ва давлат мәксадли жамғармаларига тушиши прогнозини ишлаб чиқища катнашади;

солиқ тұловчилар фаолиятининг солиқ текширувларини, шунингдек, солиқ тұловчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғарыб бориладиган пенсия ҳисобварақтарига жамғарыб бориладиган пенсия бадалларининг тұғри ҳисоблаб чиқарышиши, тұлық ва ўз вактида киритилиши текширувларини белгиланган тартибда ўтказади;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан хұжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқ текшируви ўтказилишида қонун ҳужжатларida белгиланган тартибига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда конун ҳужжатларига риоя этилишини белгиланган тартибда назорат қилади;

солиқ тұловчилардан ёки уларнинг мансабдор шахсларидан түшунтиришлар олади, солиқ тұловчининг мол-мүлки мавжудлигини текширади, шунингдек, худудларни, ишлаб чиқарып, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан солиқ тұловчилар томонидан даромадлар олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан бөглиқ жойларни күздан кечиради ёки текширади;

хұжалик юритувчи субъектлар томонидан пул маблағлари ва моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишининг белгиланган тартибига риоя қилинишини, корхоналар худудига моддий бойликларни олиб кириш ва у ердан олиб чиқища корхоналарда рухсат беріш тизими ишларининг ташкил этилиши ҳолатини текширади;

солиқ тұловчининг молия-хұжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) жараённанда ҳисоботдаги маълумотларнинг ишончлилiği ва тұғрилигини аниклаш, давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларida фактларнинг бузыб күрсатилишини аниклаш ва уларни бартараф этиш учун бухгалтерия ҳисбларини ва молиявий ҳисоботларни текширади;

молия-хұжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) давомида хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ва тайёр буюмларни тортиб күради ва ўлчайди, ишлаб чиқарылған маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ва тақдим этилған солиқ ҳисоб-китобларининг тұғрилигини аниклаш учун хомашё ва материаллар сарфи нормалари, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқарып учун тұғри ҳисобдан чиқарылишини, тайёр маҳсулотнинг тұлық кирим қилинишини, маҳсулот чиқиши нормалари ҳамда моддий бойликларни сақлаш ва ташишда табиий йүқотиішлар нормалари тұғыри белгиланишини аниклаш учун хомашё ва материалларни ишлаб чиқарышда назорат тариқасида ишлатыб күради, хомашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни назорат тариқасида текширади;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тадбиркорлық фаолиятини амалга оширишнинг қонун ҳужжатларida белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

жисмоний ва юридик шахслардан солиқ тұғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тұғрисида келиб тушган мурожаатлар, хабарлар ва бошқа ахборотларни текширади;

солиқ тұғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши фактларини таҳлил қилади ҳамда солиққа оид ҳуқукбүзарліктерге олиб келадиган сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш қызасидан тегишли органларга таклифлар кирилади;

хуқукни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликта солиққа оид ҳуқукбүзарліктерге қарши курашишининг узок муддатлы ҳамда жорий дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

б) Давлат бюджети ва давлат мақсадлы жамғармаларига солиқтар ва бошқа мажбурий тұловларнинг солиқ тұғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ үз вактида ва бир хилдаги тушумини таъминлаш ҳисобига Давлат бюджети ва давлат мақсадлы жамғармаларининг даромад қисмини барқарор шактлантириши соңасида:

солиқ тұловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши (тұхтатилиши) тұғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи;

белгиланған тартибда солиқ тұловчилар томонидан тақдим этилған молия ва солиқ ҳисоботларини, шунингдек, солиқ тұловчиларнинг фаолияти тұғрисида солиқ органларининг ягона интеграциялаштырылған ахборот ресурс базасида йиғилған бошқа ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида камерал назоратни амалга оширади;

ўзаро тузилған келишув асосида солиқ мониторингида иштирок этаётған солиқ тұловчи томонидан солиқ тұғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқтар ва бошқа мажбурий тұловларнинг тұғри ҳисобланиши, тұлик ва үз вактида тұланиши солиқ мониторингини қонун ҳужжатларыда белгиланған тартибда амалга оширади;

давлат даромадига ўтказилған мол-мulkни сотишдан олинған пул маблағтарининг давлат даромадига тұлик ва үз вактида тушиши назоратини, шунингдек, давлат органларига берилған мол-мulkнинг ҳисобға олинишини таъминлайди;

солиқтар ва бошқа мажбурий тұловларнинг тушумини таъминлаш, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг құшимча захираларини аниклаш бўйича молия органлари, манбаатдор вазирліклар ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қиласи;

в) солиқ тұловчилар ва солиқ солиши объектларининг үз вактида ҳамда ишончли ҳисобға олинишини таъминлаш, уларнинг тұлық қамраб олиниши механизмларини солиқ маъмуриятчилеги жараённега маълумотларни тұлық ийгиш ва қайта ишишни таъминлайдын замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илгор автоматлаштырылған таҳлил услубларини кенг жорий этиши орқали тақомиллаштириши соңасида:

солиқ тұловчилар, солиқ солинадиган база, шунингдек, солиқ солиши объектлари ва солиқ солиши билан бөлгілік бўлған объектларнинг тұлик, үз вактида ва ишончли ҳисобға олинишини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларга, уларни солиқ тұловчининг идентификация рақамлари берилған холда солиқ тұловчилар сифатида ҳисобға

қўйиш тўғрисида хужжатлар берилишини қонун хужжатларида белгиланган тартибда ташкил қиласди;

Ўзбекистон Республикаси солик тўловчиларининг ягона реестрини шакллантиради ва юритади;

солик органларининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасида солик тўловчилар бўйича соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг хисоблаб чиқилиши ва амалдаги тушумлари ҳисобини юритади;

соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини юритади, шунингдек, мазкур имтиёзларни кўлланишининг қонунийлигини назорат қиласди;

банклар томонидан тегишли ахборот тақдим этилишига кўра банк ҳисобвараклари бўйича олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик фаолияти бўйича – уч ой мобайнида) пул операцияларини амалга оширган ҳолда молияхўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни аниқлади;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солик хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаш механизmlарини ўрганади, аниқлади ва бартараф этади;

ахборот хавфсизлиги таъминланишини ҳисобга олган ҳолда, барча солик тўловчилар ва солик тушумлари бўйича солик органларининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасини яратади;

солик ахборотларини қабул қилиб олиш, қайта ишлаш, узатиш ва саклаш жараёнларини автоматлаштириш чораларини кўради;

давлат солик хизмати органларида, ахборот хавфсизлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолла. ягона ахборот, дастурий-техник ва телекоммуникация тизими жорий этилишини ташкил қиласди;

солик маъмурчилиги жараённида давлат солик хизмати органлари ишига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади ҳамда харажатларни мақбулаштириш ва ресурс таъминотини ривожлантириш учун уларни технологик жараёнларни юритишнинг замонавий тизимлари ва бошқаришнинг тезкор воситалари билан жиҳозлайди;

г) солик солинадиган базани кенгайтириш бўйича таҳлил қилиши ва таъсирчан чоралар ишлаб чиқиши, шу жумладан макроиктисодий кўрсаткичларнинг динамикаси ва ҳудудларнинг солик салоҳиятини тизимли таҳлил қилиши орқали таъсирчан чоралар ишлаб чиқиши, соликлар йигилишини ошириши бўйича чораларни амалга ошириши, солик назоратини амалга оширишининг замонавий услубларини жорий этиши соҳасида:

солик тўловчиларни “хавф-хатар” гурухи бўйича сегментлашни амалга оширади;

соликлар ва бошқа бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш фактларини аниқлади ва тегишли чоралар кўради;

солик назоратини амалга оширишда замонавий усулларни кўллайди;

Кўмитанинг техник базасини модернизация қилиш, мустахкамлаш ва янгилаш билан ташки ва ички манбалардан келиб тушадиган маълумотларни таҳлил қилишнинг илғор автоматлаштирилган усулларини жорий этади;

макроиктисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солик салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солик солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солик карзини ундиришини белгилайдиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг ташкиллаштирилишини ва кўлланишини таъминлайди;

хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳакиқий сони мувофиқлиги юзасидан мониторингни амалга оширади;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида белгиланган тартибда хронометраж кўздан кечириш ўтказади;

солик солинадиган базага тузатишлар киритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўздан кечириш ҳамда сўров ўтказишини амалга оширади;

ишлиб чиқариш ва даромадлар микдорларини яшириш, сотилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хажмларини камайтириб кўрсатиш механизmlарини ўрганиш ва аниқлашни ташкиллаштиради ва амалга оширади, кўрсатиб ўтилган механизmlарнинг кўлланишини бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

солик маъмурчилиги ислохоти ва ривожланиши стратегиясини ишлаб чиқади ва унинг ижроси мониторингини амалга оширади.

д) пул маблағларининг гайриқонуний айланниши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан тулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши юзасидан мунтазам назоратни таъминлаш соҳасида:

савдо ва хизматлар кўрсатишни ташкил этишнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, шу жумладан назорат-касса машиналарини, пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиб олиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда маркировка килиш коидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

товарларни улгуржи сотища қонун ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бажарилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қиласи;

нақд пул маблағлари муомалада бўлишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нақд пул айланмасига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан хуқукбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиши тадбирларини ташкил қиласи ва амалга оширади;

тадбиркорлик субъектларида, шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларида, бир марталик йиғимлар, бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида кўрсатилган хизматлар учун ижара тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш коидалари бажарилиши, нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларнинг сунъий равишда оширилиши ёки пасайтирилиши, назорат-касса машиналарининг, тўлов терминалларининг кўлланилиши, шунингдек, белгиланган тартибда талон ва чекларнинг берилishi, нақд пул тушумининг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда инкассация килиниши масалалари бўйича белгиланган тартибда қисқа муддатли текширишларни амалга оширади;

е) бозорлар ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолияти, улар томонидан солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳудудида аниқланган хуқукбузарликлар

бўйича терговга қадар текширув ўтказиб. жиноят ишларини терговга тегишилигига кўра хукукни муҳофаза қилувчи органларга топшириш соҳасида:

бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автомобилларни вактинчалик саклаш жойларида молиявий-иқтисодий ҳамда солик соҳасидаги жинояtlар ва бошка хукуқбузарликларни аниқлади, олдини олади ва бартараф этади;

бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудларида сифатсиз, қалбакилаштирилган (ясама) ёки ноконуний олиб кирилган товарларни тайёрлаш ва сотишга карши курашади;

бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойлари, шунингдек, уларнинг ҳудудида фаолият кўрсатайтган тадбиркорлик субъектлари фаолиятидан олинган пул оқимлари ҳаракати мониторингини ва маблағлар тушуми ҳисобининг тўлиқлигини таъминлайди;

бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вактинча саклаш жойлари, шунингдек, уларнинг ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари пул маблағлари тушумлари ва товар айланмаси тўғрисида давлат солик хизмати органларига тушадиган маълумотларнинг ишончлилигини текшириш учун банклар ҳамда статистика органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласди;

бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойларида молиявий-иқтисодий ва солик соҳаларида ҳукукни бузиш содир этилиши ҳолатлари бўйича терговга қадар текширувларни ташкил этади ва олиб боради, жиноят ишлар қўзгайди, жиноят ишларини терговга тегишилигига кўра хукукни муҳофаза қилувчи органларга беради;

соликка оид хукуқбузарликлар натижасида давлатга, юридик ва жисмоний шахсларга етказилган заарнинг белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш чораларини кўради;

ж) солик тўловчилар ўз солик мажбуриятларини ихтиёрий бажариши учун мақбул шарт-шароитлар яратиш, ҳар бир ходим томонидан “Солик хизмати – инсофли солик тўловчиларнинг ишончли ҳамкори” деган мақсадли вазифани сўзсиз бажариши соҳасида:

солик тўловчиларга солик мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама кўмаклашади;

соликлар ва бошка мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш учун солик тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича чораларни амалга оширади;

конун хужжатларида белгиланган тартибда айрим турдаги соликларни хисоблаш тарзида солик тўловчиларга сервис хизматлари кўрсатади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг солик соҳасидаги хукуклари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари ҳимояланишини таъминлайди;

давлат солик хизмати органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлайди;

солик тўловчи тўғрисидаги маълумотларнинг қонун хужжатларига мувофиқ сир тутилишига риоя этиш ишларини ташкил қиласди;

3) солиқ тұловчиларнинг ҳуқуқий маданияттің ошириш бүйіча ишларни амалға ошириш, солиққа оид ҳуқуқбұзарликларнинг профилактикаси, ularни аниклаш әртарағ этиш бүйіча комплекс тадбирларни бажарып соҳасыда:

солиқ солиши масалаларига дахлдор норматив-хуқуқий ҳужжатларни солиқ тұловчиларга ва ахолига үз вактида таништириш әтказиш ишларини ташкил этади;

солиқ соҳасыда амалға оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-мохияти түгристіңде жойларда ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг түшунтириш ишларини олиб боради;

солиққа доир конун ҳужжатларини нашр этиш, күпайтириш әтказыш әткесінде, маслаҳат хизматларын күрсатып, солиқ тұловчиларни солиқтарни түрі ва үз вактида ҳисоблаб чиқаришга, солиқ ҳисботларини ва солиқтар ҳамда бошқа мажбурий тұловларни ҳисоблаб чиқып, тұлаш билан боғлық бўлған бошқа ҳужжатларни тақдим этишига ўқитиши учун сервис-марказлар ташкил қиласы;

солиқ түгристедеги конун ҳужжатлари бүйіча норматив-хуқуқий ҳужжатлар түпламларини нашр этади, давлат солиқ хизмати органларини конун ҳужжатлари билан таъминлаш чораларини күради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқ солиши ва солиқ түгристедеги конун ҳужжатлари бузилиши масалалари бүйіча мурожаатларини белгиланған тартибда күриб чиқади;

солиққа оид ҳуқуқбұзарликлар профилактикаси бүйіча давлат ластурларини ишлаб чиқып амалға оширишда иштирок этади;

солиққа оид ҳуқуқбұзарликлар профилактикасини амалға оширади, шу жумладан ularнинг содир этилиши сабабларини аниклауды әртарағ этади;

ҳуқуқбұзарликлар профилактикасини бевосита амалға оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан үзаро ҳамкорлик қиласы;

акцизости товарларини ишлаб чиқаришда әйланмасыда ҳуқуқбұзарликларни аниклаш, олдини олиш әртарағ этилишини белгиланған тартибда ташкиллаштиради әмалға оширади;

солиққа оид ҳуқуқбұзарликларни содир күлгап шахсларни қидириб топиш учун материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга беради, давлатга етказилған заарни белгиланған тартибда ундириши таъминлаш чораларини күради;

маъмурий ҳуқуқбұзарликлар бүйіча ишларни юритади;

солиққа оид ҳуқуқбұзарликлар содир эттан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалға оширади;

солиққа оид жиноятларнинг содир этилиши ҳолатларини аниклаш учун, суриштирув, тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни қидириб топиш учун оммавий-ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланади;

и) солиқ тұловчиларга мулокотсиз электрон хизмат күрсатышга тұлиқ үтиши үйли орқали солиқ тұловчилар билан ишлаши тақомиллаштириш соҳасыда:

солиқ тұловчилар билан ишлашда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишини таъминлайди;

солик тўловчиларга реал вакт режимида кенг кўламли интерактив хизматлар кўрсатилишини ташкил этади;

солик тўловчиларга солик тўловчининг шахсий кабинети орқали, шу жумладан Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон хизмат кўрсатилишини таъминлайди;

солик тўловчиларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда айрим соликлар бўйича ҳисоблаб чиқарилган соликлар суммаси ҳакида солик тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор киласди;

к) қонун хужжатларини такомиллаштириш ва солик тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш соҳасида:

солик тўғрисидаги қонун хужжатларини, шу жумладан табиий ресурслардан эҳтиётлаб ва самарали фойдаланишни рағбатлантиришга йўналтирилган соликка онд қонун хужжатларини янада такомиллаштириш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни бирхиллаштириш, солик юкини кисқартириш, юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини рағбатлантириш, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

қонунлар ва бошқа норматив-хуқукий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун хужжатларида белгиланган тартибда солик солиши масалалари бўйича норматив-хуқукий хужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиклади;

солик ҳисботлари ҳамда соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ бошқа хужжатлар шаклларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиклади;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан маълумотларни алмашиш ва солик соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича ҳалқаро шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишида қатнашади ҳамда уларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлайди;

л) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, давлат солик хизмати органларини юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган малакали ходимлар билан тўлдириш, шунингдек, кадрларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш соҳасида:

кўйилган талабларга мувофиқ давлат солик хизмати органларига маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимларни танлаш ва тўлдириш бўйича ишларни ташкил этади;

белгиланган тартибда таълим муассасалари ташкил этиш йўли билан, давлат олий таълим муассасалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда давлат солик хизмати органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларининг тизимли равишда ташкил этилишини таъминлайди, шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатларнинг солик органлари ва ўкув муассасалари билан тажриба алмашишнинг кенгайтирилишини амалга оширади;

давлат солиқ хизмати органлари ходимлари лавозимларининг малака тавсифномаларини ишлаб чиқади, раҳбарлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказади, уларга ўз ваколатлари доирасида маҳсус унвоилар беради;

тегишли танловдан ўтмаган ёки лавозим вазифаларини жиддий бузганлиги учун илгари давлат солиқ хизмати органларидан бўшатилган шахсларнинг ишига қабул қилинишига йўл кўймаслик юзасидан назоратни таъминлайди;

давлат солиқ хизмати органлари кадрларини тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатишга йўналтирилган тизимни жорий этади, солиқ тўловчилар билан низоли вазиятлар юзага келгандга уларга стрессга бардошлиликни сингдириши, шунингдек, ходимларнинг ахлоқий – психолого-холатини ошириш бўйича психологик тренингларни жорий қиласди;

м) давлат солиқ хизмати органлари ходимларига корпоратив этикани сингдириши, коррупция фактиларига кескин барҳам бериш бўйича таъсиричан чораларни, шу жумладан ходимлар манбаатларининг тўқнашувини ҳал қилиши ўли билан амалга ошириш, ишига расмиятчилик билан ёндашишига барҳам бериш, шунингдек, ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаши, ўз хизмат фаолияти самарадорлигини ошириши мотивацияси тизимини жорий этиши ва улар учун хизматни ўташнинг муносаб шарт-шароитларини яратиш соҳасида:

кадрларни Ўзбекистон Республикасига содиқлик, ватанпарварлик, ҳатоллик ҳамда ҳуқуқий давлат ғоялари ва асосларини хурмат қилиш руҳида тарбиялаш юзасидан узлуксиз ишларни амалга оширади;

давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан солиқ тўловчиларга писбатан гаразли мақсадларда ноқонуний таъсири кўрсатиш ҳолатларини аниклайди ва уларга барҳам беради;

давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларини аниқлашга, уларнинг олдини олишига, қарши курашишига ва бартараф этишига йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади, ташкил этади ва уларни амалга оширишда қатнашади;

давлат солиқ хизмати органларининг ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хизмат вазифаларини бажараётганда давлат солиқ хизмати органлари ходимларини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ҳар икки йилда кўпи билан бир марта давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари ҳамда Ҳудудлараро инспекциянинг бюджет ва хўжалик фаолияти бўйича харажатлар сметалари ижроси юзасидан тафтиши амалга оширади. Жуда зарур бўлганда ва молия-хўжалик фаолиятида қонун бузилишларига йўл қўйилган ҳолатлар тўғрисида ишончли ахборот мавжуд бўлган тақдирда навбатдан ташқари тафтишлар ўтказилиши мумкин;

давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари ҳамда Ҳудудлараро инспекция томонидан молдий ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари бажарилишини таъминлайди, хўжасизлик, истрофарчилик, давлат маблағларини ва бюджетдан ташқари маблағларни асоссиз равишда сарфлаш, смета-штат интизомини бузиш ҳолларига барҳам беради;

мамлакат иқтисодий манбаатларини ҳимоя қилиш борасида вижданан хизмат қилаётган ходимларни уларнинг шахсий ҳиссасидан келиб чиқкан ҳолда рагбатлантириш механизmlарини яратади.

н) ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши бўйича давлат солиқ хизмати органларига биринчи тизимили муаммоларни ўрганиши ва аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиши соҳасида:

солик солиш соҳасида ишларни ҳаққоний ҳолатини чукур ва хар томонлама ўрганишни амалга оширади;

тўпланган муаммолар ва тизимили камчиликларни аниқлаш, биринчи навбатда, уйма-уй юриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши, аҳолининг турли қатламлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиши ишларини амалга оширади;

солик солиш соҳасидаги муаммоларни бартараф этиши бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга оширади;

солик тўловчилар ўртасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш бўйича ишларни ташкил этади.

12. Кўмита марказий аппарати, давлат солиқ хизматининг ҳудудий органларининг функциялари Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган низомлар билан белгиланади.

4-боб. Кўмитанинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

13. Кўмита ходимларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Конуни, ушбу Низом, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги Низом билан аниқланади.

14. Кўмита ўзига юклangan вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга зга:

1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига белгиланган тартибда меъёрий-хукукий ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Кўмитага юклangan вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни киритиш;

2) Кўмитанинг ваколатига кирадиган масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

3) Кўмитанинг ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиши учун зарур бўлган ахборотларни, маълумотларни, маълумотномаларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан бепул сўраш ва олиш;

4) Кўмита ва унинг тасарруфидаги тузилмалари ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида давлат мулкини белгиланган тартибда бир тузилмадан бошқа тузилмага тезкор бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш;

5) Кўмита, давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари, Ҳудудлараро инспекцияси ва тасарруфидаги ташкилотлар ходимларини моддий раббатлантириш, мукофотлаш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

6) Кўмитанинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

7) Кўмитанинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги ҳалқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

8) Кўмитанинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикасининг манфаатини белгиланган тартибда ифода этиш;

9) солик тўловчилариниң молиявий хужжатларини, шартномаларини (контрактларини), режаларини, сметаларини, даромадлари тўғрисидаги декларацияларини ҳамда соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш, фуқароларнинг якка тартибдаги жамғаривор бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига жамғаривор бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаш билан боғлиқ бошқа хужжатларини, шу жумладан электрон хужжатларини, шунингдек, экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ хужжатларини белгиланган тартибда текшириш;

10) камерал назорат натижаси бўйича солик тўловчи томонидан тақдим этиладиган ахборотнинг ишончлилигини ҳамда солик тўловчининг ҳисботларида акс эттирилган солик ва божхона имтиёзларини қўллашнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун қонун хужжатларидаги белгиланган тартибда жойига борган ҳолда мавзули экспресс-ўрганишларни амалга ошириш;

11) солик текширувларини ўтказаётганда:

худудни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни (шунингдек, алоҳида режимда ишлайдиган корхоналарни), шу жумладан солик тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солик солиши объектларини саклаш билан боғлиқ жойларни, уларнинг жойлашган жойидан қатъи назар, текшириш;

мол-мулкларни хатловдан ўтказиш ва бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни назорат тартибida ўлчаш;

кассаларни ҳамда товар-моддий бойликлар ва хужжатларни (шу жумладан электрон тарзида хужжатларни) саклаш жойларини муҳраб қўйиш;

соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ хужжатларни талаб қилиш;

хужжатларни (нусхаларини, шунингдек, асл нусхаларини), шу жумладан электрон хужжатларни, предметларни (товарлар, буюмлар, хомашёлар, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар намуналарини), шунингдек, ҳукукбузарлик предметларини олиб қўйиш, олиб қўйилиши солик тўловчи фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келадиган хужжатлар бундан мустасно. Солик тўловчи фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келадиган хужжатлар ва предметларни олиб қўйини факат суд карори асосида амалга оширилади;

солик тўловчидан, шунингдек, солик тўловчининг раҳбарлик функцияларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув функцияларини амалга ошираётган шахслардан, бошқа моддий жавобгар ходимлардан тушунтиришлар олиш;

текширилаётган солик тўловчиларнинг раҳбарларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблаглари ва ҳисоб-китобларни хатловдан ўтказишини талаб қилиш;

таржимонни, экспертни жалб этиш ва экспертизани тайинлаш;

аниқланган солик қонунчилигининг бузилишларини бартараф этилишини талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексида ва бошқа қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа хатти-харакатларни амалга ошириш;

12) савдо, товарлар сотиши ва пулли хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши, шунингдек, иакд пул тушумининг банкка ўз вақтида топширилишини,

шу билан бирга нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш, белгиланган тартибда талонлар ва чекларни бериш, нақд тушумни ўз вактида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш масалалари юзасидан текширувларни белгиланган тартибга мувофиқ амалга ошириш;

13) солик назоратини амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фискал хотирали назорат-касса машинасида сакланётган маълумотлардан фойдаланиш;

14) солик солинадиган базани аниқлаштириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳакиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш;

15) солик мониторингни амалга оширишда солик тўловчидан соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вактида тўланиши билан боғлик зарур ҳужжатлар, маълумотлар, тушунтиришларни талаб қилиб олиш;

16) хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ўтказилган хронометраж кўздан кечириш натижаларига кўра товар (иш, хизмат)лар реализациясидан камайтириб кўрсатилган тушумни қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда соликларни ҳисоблашни амалга ошириш тўғрисида талабнома юбориш;

17) давлат солик хизматлари органларида солик солиш обьектлари ва солик солиш билан боғлик обьектлар тўғрисидаги мавжуд маълумотларни аниқлаштириш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, кўздан кечириш ҳамда сўров олиб бориш;

18) белгиланган тартибда кўйидагиларни:

банклардан ва бошқа кредит-молия ташкилотларидан солик тўловчиларнинг ҳисоб-китоб ҳисобваракларида ёки бошқа ҳисобваракларида амалга оширилган операциялар ҳақидаги, шунингдек, ушбу ҳисобвараклардаги мавжуд пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни;

божхона органларидан ва бошқа ваколатли органлардан импорт-экспорт операциялари амалга оширилганлиги ва солик тўловчилар тўғрисидаги бошқа зарур маълумотларни;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан давлат солик хизмати органлари мансабдор шахсларининг хизмат вазифалари масалалари бўйича маълумотларни олиш;

19) белгиланган тартибда:

курилиш, монтаж, таъмирлаш ва бошқа ишларни назорат ўлчовидан ўтказиш учун малакали мутахассисларни жалб этиш;

иктисодий жиёятлар билан курашишда илмий-техник воситалардан ва усуллардан фойдаланиш;

ўтказиладиган текширишларда бошқа назорат килувчи органлар, вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

mansabдор шахсларни, фуқароларни аниқланган хукуқбузарлик фактлари бўйича тушунтиришлар бериш учун давлат солик хизмати органларига таклиф этиш;

20) солик тўловчи томонидан ҳисобга олиш ҳужжатлари йўқотиб кўйилган ёки йўқ қилинган ҳолатларда Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамгармаларига тўлашиши керак бўлган соликлар ҳамда бошқа мажбурий

тўловлар суммасини солик тўловчи тўгрисида ўзида мавжуд бўлган ахборотлар, шунингдек, бошқа ана шундай солик тўловчилар тўгрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан мустакил равишда белгилаш;

21) солик мажбурияти бўйича даъво қилиш мулдати мобайнида соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоблаб чиқилган суммасини ҳисоблаб чиқариш ёки қайта кўриб чиқиш;

22) соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш функцияларини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотларни соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўгри ҳисоблаб чиқилганилиги, тўлик ундирилганилиги ва Давлат бюджетига ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига ўз вақтида ўтказилганилиги юзасидан назорат қилиш;

23) солик текширувини ўтказишга солик тўловчи томонидан тўсқинлик қилинганда ёки ҳудудларни, биноларни, шу жумладан солик тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёхуд солик солиш обьектини сақлаш билан боғлиқ жойларни текшириш учун давлат солик хизмати органи мансабдор шахсларини киритиш рад этилганда, солик тўловчи маълум қилинган манзилда бўлмаганда, шунингдек, солик тўловчи томонидан солик ҳисботи ва (ёки) молиявий ҳисбот, камерал назорат натижалари бўйича тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солик ҳисботи белгиланган мулдатда тақдим этилмаган ҳолатларда банк ҳисобвараклари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш бўйича суд тартибида чоралар кўриш (жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш, шунингдек, мазкур кичик банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

Солик тўловчи қайд этилган манзилда бўлмаган, шунингдек, солик тўловчи томонидан солик ёки молиявий ҳисбот, камерал назорат натижалари юзасидан тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солик ҳисботи белгиланган мулдатда тақдим этилмаган ҳолатларда солик тўловчи-юридик шахсларнинг банк ҳисобвараклари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш давлат солик хизмати органларининг қарорларига мувофик амалга оширилади;

24) кирим хужжатларини расмийлаштирасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиласидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобвараклари бўйича операцияларини беш банк кунигача бўлган мулдатга вактинчалик тўхтатиб туриш;

25) қонун хужжатларида белгиланган тартибда:

соликка оид хукуқбузарликлар тўгрисидаги ишни кўриб чиқиш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш. Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий санкциялар суд тартибда қўлланади, улар содир этилган хукуқбузарликлардаги айнини зътироф этган ва молиявий санкциялар суммасини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолатлар бундан мустасно;

маъмурий хукуқбузарликлар тўгрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазолар қўллаш;

26) аниқланган соликка оид хукуқбузарликлар бўйича товар-моддий бойликларни қонун хужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда давлат даромадига ўтказиш. Солик тўловчилар - юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг товар-моддий бойликларини давлат даромадига ўтказиш суд тартибда амалга оширилади;

27) солик тўловчилар томонидан ноқонуний олинган маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисида уларга нисбатан судга даъвалар тақдим этиш;

28) ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича солик тўловчи томонидан тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солик ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда, соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибида ундириш;

29) давлат улушлари бўйича дивидендерни ва давлат унитар корхоналарининг соғ фойдасидан Давлат бюджетига ажратмаларни ундириш;

30) солик тўловчи мажбуриятларининг бажарилиши зарурлиги тўғрисида ва солик қарзини мажбурий тартибида ундириш бўйича кўриладиган чоралар тўғрисида солик тўловчига талабнома юбориш;

31) солик тўловчи солик ҳисоботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун мобайнида ёзма ариза бермаган тақдирда, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини солик қарзини, шу жумладан улар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигига мустақил равишда хulosса тақдим этиш;

32) Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексида белгиланган ҳолатларда ҳужжатларни, агар улар чет тилда тузилган бўлса, нотариал тасдиқлаган ҳолда давлат тилига таржима қилишини талаб қилиш;

33) юридик шахсларнинг фойда солиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик, мол-мулк солиги бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китоб бўйича бюджетга тўланадиган солик суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни соликларнинг ҳакиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш;

34) бозорларда, савдо комплексларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вактинчалик сақлаш жойларида бир марталик йигимнинг тўлик тушганлигини ва уни топшириш ҳисобини, ижара тўловини, назорат-касса машиналаридан фойдаланилишини, ҳисоб-китоб терминаларини, савдо ва хизматлар кўрсатиш коидаларига риоя этилишини белгиланган тартибида қисқа муддатли текширишларни амалга ошириш, шу жумладан накд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, шунингдек, белгиланган тартибида талонлар ва чекларни бериш, накд тушумни ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказиш.

35) бозорлар, савдо комплекслари худудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вакгинчалик сақлаш жойларида аниқланган молия-иктисодий ва солик соҳаларидаги бузилишлар содир этилганлиги фактлари бўйича терғовга қадар текширувлар ўтказиш, улар бўйича жиноий ишлар кўзғаш, кейинчалик ишларни терғовга тегишлилигига қараб конун ҳужжатларига мувофиқ хукукни муҳофаза қилувчи органларга бериш.

Давлат солик хизмати органлари ушбу Низомда ва бошқа конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа хукуқларга ҳам эгадир.

15. Ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган хукуқлар белгиланган ваколатлар доирасида:

ушбу Низомнинг 14-бандидаги 9 – 22, 33 – 35 – кичик бандлари – давлат солик хизмати органларининг мансабдор шахсларига берилади;

ушбу Низомнинг 14-бандидаги 1 – 8, 23 – 32 – кичик бандлари – давлат солик хизмати органлари бошликлари ва уларнинг ўринбосарларига берилади.

16. Кўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва давлат солик хизматининг худудий органларининг ҳукуқлари Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган низомларда белгиланади.

17. Кўмита:

юклangan вазифа ва функцияларни самарали амалга ошириши, шунингдек, солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш соҳасида давлат бошкаруви назоратини самарали бажариш;

Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамгармаларига соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушуми прогноз кўрсаткичларига эришилишини сўзсиз таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган, шунингдек, Кўмита томонидан қабул қилинадиган норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни амалга ошириш сифати, натижалари ва якуний натижаси;

давлат солик хизмати органларини ривожлантириш, шунингдек, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “йўл ҳаритаси” ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

18. Кўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва давлат солик хизматининг худудий органларининг жавобгарлиги Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган низомларда белгиланади.

5-боб. Кўмита раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари

19. Кўйидагилар Кўмита раисининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хукукий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

2) Кўмита фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, тегишли қонун ҳужжатлари билан Кўмита зиммасига юклangan вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Кўмита фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ҳамда комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чукур таҳлил қилиш;

4) Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамгармаларига соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушуми прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чикиш ва қабул қилиш;

5) Кўмита фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишида иштирок этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг тошириқларини ижро этиш;

7) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Кўмитанинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Кўмита фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларининг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

8) Кўмита фаолиятини режалашибтиришни ташкил этиш, Кўмита ва ўз ўринбосарларининг хар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилishi юзасидан назоратни таъминлаш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари ҳамда топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришнинг таъсирчан тизимини яратиш, Кўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чоратадбирларни бажариш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тошириқларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бўлинималар, шунингдек, тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

10) Кўмита ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни тизимли ташкил этиш;

11) Кўмита тизимида кадрларни ташлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Кўмитанинг кадрлар захирасини шакллантириш;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган вакант раҳбар лавозимларга таклиф этилган кадрлар, шунингдек, Кўмитага ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг професионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибаси, юқори даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатлари кафолатини таъминлаш;

13) фаолият соҳасига кирадиган масалалар бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга катъий мувофиқ равишда ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини ташкил этиш;

14) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Кўмитанинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

15) Кўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-хукуқий ҳужжатларни, зарурат бўлганда, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

16) Кўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

17) Кўмита раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини қонун ҳужжатлари талабларига тўла мувофиқ равишда бажарин ва ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблаглардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

18) ўз ўринбосарлари ҳамда таркибий ва давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини

тизимли танқидий таҳтил қилиш, Кўмитанинг ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

19) Кўмита ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринbosарларини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эталлаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга доир тизимли чораларни амалга ошириш;

20) Кўмита ходимлари томонидан Кўмита томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлашни назорат қилиш;

21) конун хужжатларида белгиланган талабларга мувофик Кўмита тизимида коррупция ва бошқа хукукбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукукни кўйланиш амалиёти ва конун хужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш йўли билан уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳтил қилиш, бартараф этиш;

22) Кўмита, Худудлараро инспекция, давлат солик хизматининг худудий органлари ва тасаррӯфидаги ташкилотлар ишини ташкил этишининг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

23) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда, шу жумладан «ягона дарча» принципини жорий этиш орқали давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда улардан эркин фойдаланишини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Конунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

24) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан бевосита ва очик мулокотни йўлга кўйиши, конун хужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунгизам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан сайёр қабуллар ўтказиш;

25) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, улар фаолиятида Кўмита ходимлари ҳамда раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкиллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушадиган мурожаатлари ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

26) давлат сирларига киритилиган ахборот ва маҳфий ахборот билан ишлашда конун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

27) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Кўмита марказий апаратининг тасдиқланган тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

28) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари, туман (шаҳар)лар давлат солик инспекциялари, шунингдек, Худудлараро инспекциянинг тузилмасини тасдиқлаш;

29) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда давлат солик хизматининг ҳудудий органлари ва Ҳудудлараро инспекция бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш;

30) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солик органларини ривожлантириши ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан давлат солик хизмати органлари бошқарув ходимлари мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш;

31) Кўмита марказий анифратининг таркибий тузилмалари, давлат солик хизматининг ҳудудий органлари тўғрисидаги низомларни ҳамда тасарруфидаги ташкилотлар уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

32) Кўмита марказий аппарати, Ҳудудлараро инспекциянинг штатлар жадвалини тасдиқлаш;

33) Кўмита ходимларини, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошкармалари бошлиқлари ўринбосарлари, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошкармаларининг бўлим бошлиқлари, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари Ички аудит бошқармаси ва Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимларини, туман (шаҳар) давлат солик инспекциялари бошликлари, Ҳудудлараро инспекция бошлиги ва бошлиқ ўринбосарлари, Ҳудудлараро инспекция Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

34) Кўмита ҳайъати ва марказий анифрати мажлисларини бошқариш;

35) Кўмита ва давлат солик хизматининг ҳудудий органлари, Ҳудудлараро инспекциянинг ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш, йўриқномалар, қоидалар, низомларни тасдиқлаш ҳамда қўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг белгиланган тартибда ижро этилишини назорат қилиш;

36) давлат солик хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш, шу жумладан мукофотлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

37) давлат солик хизмати органлари тизимидағи ходимлар ва мутахассисларни уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, атоҳида ютуқлари ва хизматлари учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига билан тақдирлашга тақдим қилиш ва тавсиялар берилишини таъминлаш;

38) давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, шунингдек, бошқа давлатларнинг давлат солик хизмати органлари билан муносабатларда давлат солик хизмати органларининг мағфаатларини ифодалаш.

20. Куйидагилар Кўмита раиси ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий хужжатлар талабларига риоя этиш;

2) Кўмита раиси вақтинча бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Кўмитанинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалари фаолиятини мувофикаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) Кўмитанинг мутасаддилик қилинадиган фаолият йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқлашган Кўмита фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ҳамда комплекс чора-тадбирлар ижросини тақидий ва чукур таҳлил қилиш;

5) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар томонидан прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўриш, тузилмалар раҳбарлари ҳисботларини мунтазам эшлишиш ва қайд этилган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар раҳбарларининг ҳар чораклик режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда топшириклари ижросини таъминлаш, Кўмитанинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чораларни амалга ошириш, шунингдек, қонун хужжатларида белгиланган тартибда топширикларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий тузилмалар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

8) Кўмита ҳайъати қарорлари, Кўмита раисининг буйруқ ва топшириклари ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрларни ташлаш ва жой-жойига кўйиш бўйича Кўмита раисига таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионалиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибаси, юқори даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатлари кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

10) норматив-хуқуқий хужжатлар лойихалари мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Кўмитанинг таркибий тузилмаларида тайёрланган хужжатлар лойихаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Кўмита раиси томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг қонун хужжатлари талабларига қатъий мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш;

11) Кўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий хужжатлар лойихаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

12) хизмат сафарларини қонун хужжатлари талабларига тўлиқ мувофиқ амалга ошириш ва ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

13) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини тизимли таҳлил қилиш, Кўмита ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшлишиш, якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

14) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларнинг фаолият соҳасига тегишли бўлган масалалар бўйича Кўмита фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, конун хужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни Кўмита раисига киритиш;

15) мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимларини рагбатлантириш, моддий рағбатлантириш, мукофотлаш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш бўйича таклифларни Кўмита раисига киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш;

16) Кўмита томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ходимларнинг одоб-ахлоқ коидалари талабларига риоя этиш, кўрсатилган коидалар мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

17) конун хужжатларида белгиланган талабларга мувофик Кўмита тизимида коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукуқни қўллаш амалиёти ва конун хужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш йўли билан уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

18) Кўмита раисига давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифлар киритиш;

19) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан бевосита ва очик мулоқотни йўлга кўйиш, мунтазам шахсий қабуллар ўтказиш, шу жумладан қонун хужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини сайёр қабул қилиш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, улар фаолиятида қонун хужжатлари талабларига мувофик фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган барча мурожаатларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

21) давлат сирларига киритилган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда конун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

22) вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи органлар ва бошқа ташкилотларнинг солиқ тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилишини таъминлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиришда иштирок этиш.

21. Кўмита маркази аппаратининг таркибий тузилмалари ва давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари Кўмита раиси томонидан тасдиқланади.

6-боб. Кўмита раҳбарларининг жавобгарлиги

22. Кўмита раиси:

1) Кўмитага юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

2) Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамгармаларига тушумлар прогнозининг бажарилиши;

3) соликлар ва бошка мажбурий тўловларининг тўлиқ ва ўз вактида тушишини таъминлаш юзасидан лозим даражада назорат ўрнатилиши;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари, бошка норматив-ҳуқуқий хужжатлари талабларининг ўз вактида ва сифатли бажарилиши;

5) давлат солик хизмати органларига юқори маънавий-ахлоқий сифатларга эга малакали ходимларни жалб этишга қаратилган, кадрларни ташлаш, жойжойига қўйиш ва рағбатлантиришнинг мутлақо янги тизими яратилиши;

6) ходимларнинг хизматга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, қонун бузилишининг барча кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш мухити яратилиши, жамоада соғлом мухит шакллантирилиши;

7) давлат солик хизмати органлари фаолиятининг очиқлиги таъминланиши, солик тўловчилар билан тўғридан-тўғри алоқасиз мулокот ўрнатилиши;

8) солик маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш соҳасида халкаро эксперталар, грантларни жалб этиш ишлари;

9) давлат солик хизмати органларининг моддий-техника жиҳатдан таъминланиши;

10) ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган Кўмитанинг тегишли жавобгарлик соҳалари;

11) ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

23. Кўмита раисининг биринчи ўринбосари:

1) Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тушишининг таъминланиши;

2) солик тўғрисидаги қонун хужжатлари ва ҳуқуқни кўллаш амалиётини такомиллантириш бўйича таклифлар тайёрланиши, солик назоратини амалга оширишнинг замонавий услублари жорий этилиши, солик соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитлари таҳдил қилиниши, уларга барҳам бериш чоралари кўрилиши;

3) солик солиш базасини кенгайтириш бўйича, жумладан худудларнинг макроинтисидий қўрсаткичлар динамикаси ва солик салоҳиятини тизимли таҳдил қилиш орқали комплекс чоралар кўрилиши;

4) назорат амалга оширилиши ва солик қарздорлиги ошишига йўл қўйилмаслиги, халкаро тажрибани чукур ўрганиш орқали солик тизимининг модернизацияланиши;

5) Кўмитага юкланган вазифа ва функцияларнинг Кўмита марказий аппаратининг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларида бажарилиши;

6) мутасаддилик қилинадиган масалалар бўйича ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган Кўмитанинг тегишли жавобгарлик соҳалари;

7) ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган ўз функционал мажбуриятларининг сифатли ижро этилиши учун шахсан жавоб беради.

24. Кўмита раиси ўринбосарлари:

1) солик маъмуриятчилиги самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи солик тўғрисидаги қонун хужжатларини ишлаб чиқиш ва кўллаш методологиясининг такомиллаштирилиши;

2) Давлат бюджети даромадлари даражасини ошириш учун захираларни излапи ва аниқлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилиши;

3) солик мажбуриятларини ўз вактида бажарғанлиги учун тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш чоралари кўрилиши;

4) солик солиш кисмида иктисадиётнинг хуфиёна секторини легаллаштиришга қаратилган тизимли назорат таъминланиши;

5) сифатсиз, қалбаки (ясама) ва ноқонуний олиб кирилган товарлар ишлаб чиқарилиши, шунингдек, реализация қилинишига қарши курашишнинг ҳолати ва самарадорлиги;

6) солик маъмуриятчилиги жараённига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таҳтилнинг илгор автоматлаштирилган услублари, электрон хисобварак-фактураларни хисобга олиш ва онлайн назорат-касса машиналарининг автоматлаштирилган мониторинги бўйича дастурий маҳсулотлар жорий этилиши ҳамда самарали фаолият кўрсатиши;

7) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари пухта, ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив кўриб чиқилиши, фуқароларнинг шахсан қабул қилиниши;

8) Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Малака ошириш маркази ва солик коллежлари фаолияти самарали ташкил этилиши;

9) Кўмита вазифа ва функцияларининг Кўмитанинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларида бажарилиши;

10) мутасаддилик қилинадиган масалалар бўйича ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган Кўмитанинг тегишли жавобгарлик соҳалари;

11) ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган ўз функционал мажбуриятларининг сифатли ижро этилиши учун шахсан жавоб беради.

25. Кўмитанинг мансабдор шахслари:

ўзларининг функционал вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганликлари, ижро интизомини бузганилар;

ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаганликлари;

ноқонуний хатти-харакатлар (харакатсизлик) туфайли солик тўловчиларга моддий ва маънавий зарап етказганликлари;

ўзларининг ноқонуний хатти-харакатлари (харакатсизлиги) туфайли хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтирганликлари ва солик солиш базасини камайтирганликлари;

қонун ҳужжатларига мувофик бўлмаган қарорлар қабул қилганилар;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

26. Давлат солик хизмати органлари ходимларининг ўз хизмат ваколатлари доирасидан четга чиққанилиги, шунингдек, зиммасига юкланган хизмат вазифаларини бажармаганлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиҳоий жавобгарликка сабаб бўлади.

27. Солик назоратини амалга оширишда давлат солик хизмати органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-харакатлари (харакатсизлиги) туфайли етказилган зараплар қонунда белгиланган тартибда қопланади.

28. Текширилган солик даври учун солик тўловчи томонидан тўланган ёки гўланиши керак бўлган айнан бир хил соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича текширишларни такроран ўтказиш тақиқланади.

29. Жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган давлат солик хизмати органлари мансабдор шахсларининг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) ёки қарорлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда Кўмита раҳбариятига ёхуд бевосита судга шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

7-боб. Кўмита фаолиятини ташкил этиш

1-§. Кўмита раҳбарияти

30. Кўмитага Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимдан озод килинадиган раис бошчилик қиласи.

31. Кўмита раиси ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг аъзоси ҳисобланади.

32. Кўмита раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод килинадиган биринчи ўринbosари ва ўринbosарлари бўлади.

33. Кўмита раиси бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазифалар таксимотига биноан унинг ўринbosарлари томонидан бажарилади.

34. Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқлар бошчилик қиласи.

Худудлараро инспекция, туман (шаҳар) давлат солик инспекцияларига белгиланган тартибда Кўмита раиси томонидан тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқлар бошчилик қиласи.

35. Кўмита марказий аппаратининг таркибий тузилмалари, худудий давлат солик бошқармалари тўғрисидаги низомлар Кўмита раиси томонидан, туманлар (шаҳарлар) давлат солик инспекциялари тўғрисидаги низомлар эса Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган туман (шаҳар) давлат солик инспекцияси тўғрисидаги Намунавий низом асосида худудий давлат солик бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

2-§. Кўмита марказий аппарати таркибий тузилмаларининг давлат солик хизматининг худудий органлари, Худудлараро инспекция ва тасарруфидаги ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

36. Кўмита марказий аппарати таркибий тузилмаларининг давлат солик хизматининг худудий органлари, Худудлараро инспекция ва тасарруфидаги ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигининг таъминланиши Кўмита марказий аппарати таркибий тузилмалари раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

37. Кўмита марказий аппарати таркибий тузилмалари ўз фаолият йўналишлари бўйича давлат солик хизматининг худудий органлари, Худудлараро инспекция ва тасарруфидаги ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиб:

1) топширикларни давлат солик хизматининг худудий органлари, Худудлараро инспекция ва тасарруфидаги ташкилотларга етказади ва уларнинг ижросини назорат қиласи;

2) давлат солик хизматининг худудий органлари, Худудлараро инспекция ва тасарруфидаги ташкилотларга бевосита таркибий тузилманинг фаолиятига оид масалалар бўйича сўровномалар юборади ва улар ижросини назорат қиласи;

3) текширувлар ва ўрганишлар ўтказади. давлат солик хизматининг худудий органлари, Худудлараво инспекция ва тасарруфидаги ташкилотларнинг амалий фаолиятини умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чоратадбірларни ишлаб чықади ва қабул қиласы;

4) давлат солик хизматининг худудий органлари, Худудлараво инспекция ва тасарруфидаги ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва натижалари ҳақидағы хисобот ва ахборот материаллари, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганишни ташкил этади;

5) давлат солик хизматининг худудий органлари, Худудлараво инспекция ва тасарруфидаги ташкилотлари иш режаларини таҳлил қиласы, уларнинг фаолиятларини режалаштириш тақомиллаштириш бўйича чораларни кўради;

6) давлат солик хизматининг худудий органлари, Худудлараво инспекция ва тасарруфидаги ташкилотлардан келиб тушган таклифларни кўриб чықади;

7) норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда давлат солик хизматининг худудий органлари, Худудлараво инспекция ва тасарруфидаги ташкилотларнинг иштирокини ташкил этади, конун хужжатларини тақомиллаштириш бўйича улардан келиб тушган таклифларни кўриб чықади.

38. Давлат солик хизматининг худудий органлари, Худудлараво инспекция ва тасарруфидаги ташкилотлар Кўмита марказий аппарати таркибий тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қиласы, шу жумладан:

1) Кўмита раҳбарияти топшириқларининг ижроси тўғрисида ахборот беради;

2) фаолиятнинг белгиланган соҳасидаги конун хужжатлари ижроси юзасидан фаолият натижалари тўғрисида ахборот тақдим қиласы;

3) уларнинг фаолиятини ўрганиш ва текшириш натижасида аниқланган ишдаги камчиликлар ва қонунбузилишларини бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

4) ўзининг иш натижалари тўғрисидаги хисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этади;

5) солиқка тортиш ва солик тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилиши соҳасидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклифларни тақдим этади;

6) комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида ҳисобот беради;

7) ваколатли органлар томонидан ўзининг фаолиятида ўтказилган текшириш натижалари тўғрисида хабардор қиласы.

39. Кўмита марказий аппарати таркибий тузилмалари ҳамда унинг худудий давлат солик хизмати органлари, Худудлараво инспекция ва тасарруфидаги ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида келиб чиқадиган келишмовчиликлар Кўмита раиси топширигига биноан унинг тегишли ўринбосарлари томонидан кўриб чиқиласы. Агар кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, улар бўйича карор бевосита Кўмита раиси томонидан қабул қилинади.

3-§. Қўмитанинг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби

40. Қўмита ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хукукни муҳофаза килувчи органлар, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

41. Худудлараро инспекция ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишида бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хукукни муҳофаза килувчи органлар, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

42. Давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари ўз ваколатлари доирасида бошқа ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хукукни муҳофаза килувчи органлар, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

Давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари тегишли ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича “йўл ҳариталари” ишлаб чиқилишида ва амалга оширилишида комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан яқиндан ҳамкорлик қиласди.

43. Қўмитанинг фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш, молия ва банк тизимларини ислоҳ қилиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича Комплекс раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш, молия ва банк тизимларини ислоҳ қилиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлинмалари мутасаддиллик қиласди.

4-§. Қўмитанинг ҳайъати, бошқа маслаҳат, консультатив ва эксперт органлари

44. Қўмитада Қўмита раиси (ҳайъат раиси), раиснинг биринчи ўринbosари, раис ўринbosарлари (лавозими бўйича) ва Қўмита фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи Қўмита таркибий тузилмалари раҳбарлари ва Худудлараро инспекция бошлиғидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг сони ва шахсий таркиби Қўмита раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдикланади.

45. Ҳайъатга қўйидаги вазифалар юкланади:

Қўмита фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Қўмита тизими раҳбарлари ва ходимларининг қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси карорларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъмилаш учун шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда таркибий ва давлат солиқ хизматининг ҳудудий

органлари, Худудларо инспекция ва тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарларининг хисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил қилиш;

Кўмита фаолияти соҳасида худудий ва тармок дастурларини амалга оширишнинг бориши натижадорлигини хар чоракда ва тизимли кўриб чикиш;

жойларда Кўмита фаолият соҳасининг долзарб масалаларини мухокама қилишни таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган кўчма мажлисларини ўтказиши ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чикиш ва қабул қилиш;

Кўмита марказий аппарати ва унинг тизимиға кирувчи лавозимлар номенклатурасини кўриб чикиш ва тасдиқлаш;

Кўмита номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чикиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топширикларида белгиланган вазифаларни ўз вактида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш учун ижро интизомини мустаҳкамлаш ва Кўмита раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат, шунингдек, Кўмита ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чикиш ҳукуқига эга.

46. Ҳайъат мажлисига Кўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

47. Ҳайъат, агар унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўши қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

48. Ҳайъат қарорлари Кўмита қарорлари ва раиснинг буйруклари билан амалга оширилади.

49. Ҳайъат раиси ва аъзолари ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда раис пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустакил равишда қарор қабул қиласди. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хабар қилишлари мумкин.

50. Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

51. Давлат солик хизматининг худудий органлари фаолиятининг, шу жумладан ҳайъат қарорларини ва Кўмита топширикларини бажариш билан боғлиқ энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармаларида кенгашлар ташкил қилинади. Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари кенгашларининг шахсий таркиби тегишли ҳудудий давлат солик бошқармаси бошлигининг тақдимига биноан Кўмита раиси томонидан тасдиқланади.

52. Солиқка оид қонун хужжатларини қўллашнинг энг мураккаб ва мунозарали масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш, юқори малакали маслаҳатлануввлар ўтказиш учун давлат солик бошқармаларида маслаҳат-эксперт кенгашлари ташкил этилади.

53. Кўмитага ахоли ўртасида тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувоғик босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини таъсис этиши мумкин.

8-боб. Кўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

54. Кўмитанинг самарадорлиги мунтазам равишда баҳоланади.

55. Кўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш кўйидаги асосий мезонларга асосланади:

давлат солик хизмати органлари ишининг сифатини қониқарли баҳолайдиган солик тўловчилар, шунингдек, уларнинг ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан шикоятларнинг сони;

камерал назорат натижаси бўйича ундирилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларниң умумий суммаси;

хронометраж кўздан кечириш ва солик текширувлари натижалари бўйича аниқланган давлат бюджети даромадларини ошириш захиралари суммаси ва уларни ундириш даражаси;

хисобланган солик ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилишининг тўлиқлиги ва солик қарздорлигининг пасайиш даражаси;

давлат солик хизмати органлари билан ўзаро муносабатларда “шахсий кабинет”дан фойдаланиш даражаси;

электрон ҳисобварак-фактураларни ҳисобга олиш ва онлайн назорат-касса машиналарини автоматлаштирилган мониторинг қилиш бўйича дастурий маҳсулотларни кўллаётган солик тўловчиларнинг қамраб олиниши.

Кўмита марказий аппаратининг таркибий тузилмалари, давлат солик хизматининг ҳудудий органлари, Ҳудудлараро инспекция ва тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг кўшимча мезонларини белгилаши мумкин.

56. Кўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

давлат солик хизмати органларининг раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Кўмитанинг фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари қабул қилинади.

57. Кўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонун ҳужжатларида белгиланади.

9-боб. Кўмита фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

58. Кўмита, давлат солик хизматининг ҳудудий органлари, Ҳудудлараро инспекциянинг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти, шу жумладан уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида Давлат бюджети маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солик органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар маҳсус жамгармаси маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

59. Давлат солик хизмати органлари мансабдор шахсларининг иш ҳақи лавозим маошидан, маҳсус унвонлар, кўп йил хизмат қилингани учун устама ҳақлардан, дам олиш ва байрам кунлари учун тўловлар, бошқа устама, кўшимча ҳақлардан иборат бўлади ҳамда у конун хужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Кўмита ходимлари лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва кўшимча тўловлар Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ амалга оширилади.

60. Худудлараро инспекция ходимларининг мақоми Кўмита марказий аппаратининг тегишли ходимларига тенглаштирилади.

61. Солик текширувлари ва мавзули экспресс-ўрганишлар бошқармаси, Солик соҳасида ҳукуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси ва уларнинг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, Худудлараро инспекция ходимларига Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан улар лавозим маошининг 20 фоизи микдорида маҳсус устамалар белгиланади.

62. Куйидагилар давлат солик хизмати органлари ходимларини моддий рагбатлантиришининг асосий турлари ҳисобланади:

давлат солик хизмати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларига асосан ва эришилган якуний натижалардан келиб чиқиб мукофотлаш;

Давлат бюджетига тўловлар тушумлари прогнози бажарилганилиги ва ортиғи билан бажарилганилиги учун ой, чорак, ярим йиллик иш якунлари бўйича мукофотлаш;

алоҳида муҳим тошириклар бажарилганилиги учун якка тартибда мукофотлаш;

ходимларининг лавозим маошига иш участкасининг мураккаблиги ва муҳимлиги ҳамда меҳнатда юкори натижаларга эришганлиги учун устамалар тўлаш;

хизмат вазифаларини бажариш чоғидаги алоҳида хизматлари учун ва пенсияга чиқиши муносабати билан қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш;

давлат солик хизмати органлари ходимларининг лавозим маошларига уларнинг функционал вазифаларини бажаришларини, билимлари даражасини, солик тўловчилар билан иш олиб бориш касбий қобилиятларини ҳар йили тест синовларидан ўтказиш асосида белгиланадиган маҳсус рагбатлантирувчи устамалар.

Давлат солик хизмати органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солик органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар маҳсус жамгармаси ҳисобидан ҳам қуйидаги суммаларининг 10 фоизига кадар микдорда мукофотланади:

камерал назорат натижаси бўйича ундирилган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

хронометраж кўздан кечириш натижалари бўйича аниқланган, солик тўловчи тўлаб берган соликлар;

солик текширувлари натижаси бўйича ундирилган соликлар.

63. Давлат солик хизматининг ҳудудий органлари ходимларининг функционал вазифаларини бажариши, билим даражаси, солик тўловчилар билан иш олиб бориш бўйича касбий қобилиятларини тест синовидан ўтказиш натижалари бўйича бериладиган тоифаларга қараб лавозим маошларига

10 фоиздан 30 фоизгача миқдорда маҳсус рағбатлантирувчи устамаларни хар иили тест синовидан ўтказиш асосида қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Кўмита томонидан тасдиқланади.

64. Давлат солик хизмати органлари тузилмаларининг раҳбар ва инспекторлар таркиби ходимларини ой, чорак, ярим йилдаги иш якунлари бўйича мукофотлаш республика ва маҳаллий бюджетларга, давлат мақсадли жамғармаларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушумлари прогнози бажарилганлиги ва ортиғи билан бажарилганлиги учун хамда улар фаолиятини тавсифловчи бошқа асосий кўрсаткичлар бажарилганлиги учун Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ, давлат солик хизмати органларининг раҳбарлари қарорлари асосида амалга оширилади.

65. Кўмитада, давлат солик хизматининг худудий органларида ва Худудларо инспекцияда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солик органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар маҳсус жамғармаси ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солик органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар маҳсус жамғармаси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

66. Бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига шакллантириладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий муҳофаза, солик органларини ривожлантириш ҳамда кўзда тутилмаган харажатлар маҳсус жамғармаси маблағлари давлат солик хизмати органлари ходимларига тўловлар, шу жумладан мукофотлар манбалари ҳисобланади.

10-боб. Кўмитанинг ҳисобот бериши

67. Кўмита раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида Кўмита фаолияти тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот беради.

68. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекс раҳбари Кўмита раҳбарларига юкланган вазифаларни самарали бажариш бўйича улар фаолиятининг доимий мониторингини олиб боради, Кўмита фаолияти самарадорлигига холис баҳо беради.

69. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича давлат солик хизмати органларининг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари ва ходимлари рағбатлантирилади ёки йўл қўйган жиддий камчиликлари учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

11-боб. Якуиловчи қоида

70. Кўмитани кайта ташкил этиш ва тутатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил «17» апрелдаги 320 сон қарорига
2-илова

**Йирик солик тўловчилар бўйича худудлааро
давлат солик инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Йирик солик тўловчилар бўйича худудлааро давлат солик инспекцияси (кейинги ўринларда Худудлааро инспекция деб аталади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Худудлааро инспекция Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг (кейинги ўринларда Кўмита деб аталади) мустақил таркибий тузилмаси хисобланади ва бевосита Кўмита раисига бўйсунади.

3. Худудлааро инспекцияга жойланган жойи ва амалга ошираётган фаолиятидан катъи назар, йирик солик тўловчиларнинг солик маъмуриятчилигини амалга ошириш вазифаси юкланди.

4. Солик тўловчиларни йирик солик тўловчилар тоифасига киритиш мезонлари Кўмита томонидан белгиланди.

5. Худудлааро инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солик хизмати тўғрисида”ги Қонунига ва бошқа қонун хужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Кўмита қарорларига ҳамда ушбу Низомга амал килади.

6. Худудлааро инспекция юридик шахс хисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкага, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ғазначилик хисобракамларига, банк хисобракамларига, шу жумладан хорижий валютадаги хисобракамларига эга.

7. Худудлааро инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ – “Йирик солик тўловчилар бўйича худудлааро давлат солик инспекцияси”, қисқартирилгани – “Йирик солик тўловчилар бўйича инспекция”;

б) рус тилида:

тўлиқ – “Межрегиональная государственная налоговая инспекция по крупным налогоплательщикам”, қисқартирилгани – “Инспекция по крупным налогоплательщикам”;

в) инглиз тилида:

тўлиқ – “Interregional state tax inspection for large taxpayers”; қисқартирилгани – “Inspection for large taxpayers”.

8. Ҳудудлараро инспекциянинг жойлашган жойи (пошли манзили): Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 8-уй.

9. Ҳудудлараро инспекция томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида қабул қилинган карорлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошка ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмуриятчилиги Ҳудудлараро инспекция томонидан амалга ошириладиган солик тўловчилар учун бажариш мажбурий ҳисобланади.

2-боб. Ҳудудлараро инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Куйидагилар Ҳудудлараро инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

йирик солик тўловчилар ҳисобини ташкил этиш ва улардан солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган соликлар ва бошка мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш;

йирик солик тўловчилар фаолиятида солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича солик назоратини ташкил этиш;

йирик солик тўловчиларга солик мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини амалга ошириш;

йирик солик тўловчилар маъмуриятчилиги доирасида соликка оид ҳуқукбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш ва олдини олиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш.

11. Ҳудудлараро инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни бажаради:

а) йирик солик тўловчилар ҳисобини ташкил этиши ва улардан солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган соликлар ва бошка мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш соҳасида:

қонун ҳужжатларида белгиланган йирик солик тўловчилар мезонларига мос келадиган юридик шахсларни аниқлаш ва ҳисобга кўйиш ишларини юритади;

юридик шахсларга улар йирик солик тўловчилар жумласига киритилганлиги ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида хабарномалар юборади;

йирик солик тўловчилар реестрини шакллантиради ва юритади;

йирик солик тўловчилар ҳисботларининг қабул қилиниши ва қайта ишланишини амалга оширади;

йирик солик тўловчиларнинг шахсий карточкалари юритилишини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда Давлат бюджети деб аталади) ва давлат мақсадли жамгармаларига тўланиши лозим бўлган ва ҳақиқатда тўланган соликлар ва бошка мажбурий тўловлар суммалари, шу жумладан улар бўйича имтиёзлар, шунингдек, йирик солик тўловчилар бўйича молиявий жарималар суммалари ҳисобини юритади;

Йирик солик тўловчилар бўйича Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамгармаларига соликлар ва бошка мажбурий тўловлар тушуми прогнозининг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

солиқ тұғрисидаги қонун хужжатларини ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бүйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

макроікстисодий күрсаткичлар динамикасининг тизимли таҳлили асосида солиқ солинадиган базани кенгайтириш бүйича самараали тадбирларни амалга оширади;

б) йирик солиқ тұловчилар фаолиятида солиқ тұғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилиниши бүйича солиқ назоратини ташкил этиши соҳасида:

камерал назорат, шунингдек, йирик солиқ тұловчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончлилигини ҳамда солиқ тұловчининг ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва божхона имтиёzlари қўлланилишининг конунийлигини тасдиқлаш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жойига чиқсан ҳолда мавзули экспресс-ўрганишларни амалга оширади;

хисоботларда кўрсатилган ишчилар сони билан ҳақиқатда ишловчилар сони, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажмларининг мос келиши масалалари бүйича йирик солиқ тұловчилар фаолияти мониторингини олиб боради. Солиқ тұғрисидаги қонун хужжатлари бузилганлиги аниқланган ҳолатларда қонун хужжатларида белгиланган тартибда уларни олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўради;

экспорт-импорт операциялари тұғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилиниши юзасидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга оширади;

қўшилган қиймат солиғи бүйича ноль даражали ставка қўлланилишининг асослилиги юзасидан назоратни амалга оширади;

солиқ назоратини амалга оширишда замонавий усулларни қўллайди ҳамда ташки ва ички манбалардан келиб тушадиган маълумотларни таҳлил қилишнинг илфор автоматлаштирилган усулларини жорий этади;

йирик солиқ тұловчилар фаолиятининг солиқ текширувларини белгиланган тартибда ўтказади

солиқ тұловчилардан ёки уларнинг мансабдор шахсларидан тушунтиришлар олади, йирик солиқ тұловчиларнинг мол-мулки мавжудлигини текширади, шунингдек, худудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан, йирик солиқ тұловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солиқ солиши объектини сақлаш билан боғлиқ жойларни кўздан кечиради ёки текширади;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан пул маблаглари ва моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини, корхоналар худудига моддий бойликларни олиб кириш ва у ердан олиб чиқиша корхоналарда рухсат бериш тизими ишларининг ташкил этилиши ҳолатини текширади;

йирик солиқ тұловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) жараёнда ҳисботдаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тұғрилигини аниқлаш, давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган молиявий ҳисботлар ва солиқ ҳисоб-китобларида фактларнинг бузуб кўрсатилишини аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун бухгалтерия ҳисбларини ва молиявий ҳисботларни текширади;

молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) давомида хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ва тайёр буюмларни тортиб кўради ва ўлчайди, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ва тақдим этилган солиқ ҳисоб-китобларининг тұғрилигини аниқлаш учун хом ашё ва материаллар сарфи

нормалари, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун тўғри ҳисоблан чиқарилишини. тайёр маҳсулотнинг тўлиқ кирим қилинишини, маҳсулот чиқиши нормалари ҳамда моддий бойликларни саклаш ва ташишда табиий йўқотишлар нормалари тўғри белгиланишини аниқлаш учун хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришда назорат тариқасида ишлатиб кўради, хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни назорат тариқасида текширади;

в) йирик солик тўловчиларга солик мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини амалга ошириш соҳасида:

солик тўловчининг шахсий кабинети, шу жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали йирик солик тўловчиларга электрон хизматлар кўрсатилишини амалга оширади;

конун хужжатларида белгиланган тартибда ўзаро тузилган келишув асосида, солик мониторингида иштирок этастган йирик солик тўловчи томонидан солик тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилиши, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан солик мониторингини амалга оширади;

солик тўғрисидаги конун хужжатлари нормалари, шунингдек, электрон ҳисобварак-фактураларни шакллантиришининг ахборот тизимларини кўллаш бўйича йирик солик тўловчиларга маслаҳат хизматлари кўрсатади;

конун хужжатларида белгиланган тартибда соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг айрим турларини ҳисоблаб чиқаришда йирик солик тўловчиларга сервис хизматлари кўрсатади;

солик тўловчилар билан ишлашда ахборот-коммуникация технологиялари кенг кўлланилишини таъминлайди;

соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, молиявий жарималар бўйича йирик солик тўловчиларнинг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган суммаларини (ноль даражали ставкани кўллаш натижасида ҳосил бўлган кўшилган қиймат солигининг ортиқча суммаси бундан мустасно) конун хужжатларида белгиланган тартибда қайтарилиши ёки ҳисобга олинишини амалга оширади;

йирик солик тўловчиларнинг солик соҳасидаги ҳукуқлари ва конун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини таъминлайди;

йирик солик тўловчилар тўғрисидаги маълумотларнинг конун хужжатларига мувофиқ сир сакланиши бўйича ишларни ташкил қиласди;

г) йирик солик тўловчиларнинг маъмуриятчилиги доирасида соликка оид ҳукуқбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш ва олдини олиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш соҳасида:

худудий давлат солик хизмати органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали йирик солик тўловчиларнинг солик солиш базасини, шунингдек, солик солинадиган объектлар ва солик солиш билан боғлиқ объектларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли ҳисобга олинишини таъминлайди;

соликка оид ҳукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан, ушбу ҳукуқбузарликлар содир этилиши сабабларини аниқлайди ва бартараф этади, шунингдек, ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширадиган ва иштирок этадиган бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳукуқбузарликлар бўйича ишларни юритади;

соликка оид ҳукуқбузарликлар содир этган йирик солик тўловчилар ҳисобини юритади, ушбу маълумотларни таҳлил қиласди;

йирик солик тўловчиларнинг солик қарзини ундириш бўйича мажбурий чоралар кўлланилишини амалга оширади;

йирик солик тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги (бекор бўлганлиги) тўғрисида маълумотлар тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди;

бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда йирик солик тўловчиларнинг молия-хўжалик фаолияти юзасидан таҳлилий ўрганиш ўтказади ва ушбу ўрганиш доирасида соликка оид ҳукуқбузарликлар билан курашиш бўйича узок муддатли ва жорий дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

йирик солик тўловчиларнинг солик солиш масалалари ва солик тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқади;

солик солишга оид меъёрий-ҳукукий хужжатларни оммавий ахборот воситалари ва семинарлар, брифинглар, матбуот – конференциялар, “давра сухбатлари” ва бошқа тадбирларни ташкил этиш оркали йирик солик тўловчиларга етказиш ва танишириш бўйича ишларни амалга оширади.

3-боб. Худудлараро инспекциянинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари

12. Худудлараро инспекция ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳукукларга эга:

1) йирик солик тўловчилардан Худудлараро инспекция ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни сўраш ва олиш;

2) қонун хужжатларида белгиланган тартибда йирик солик тўловчиларнинг бухгалтерия ва солик ҳисоби ахборот тизимларидан, шунингдек, ҳисоб хужжатларидан фойдаланиш;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан Худудлараро инспекция ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотлар, маълумотлар ва маълумномаларни сўраш ва бепул олиш;

4) йирик солик тўловчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончлилигини ҳамда йирик солик тўловчининг ҳисоботларида акс эттирилган солик ва божхона имтиёzlари кўлланилишининг қонунийлигини тасдиқлаш учун камерал назорат натижаси бўйича қонун хужжатларида белгиланган тартибда жойига чиқсан ҳолда мавзули экспресс-ўрганишларни амалга ошириш;

5) ҳисоботларда кўрсатилган ишчилар сони билан ҳақиқатда ишловчилар сони, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва ишлаб чиқариш фаолиятида активлардан фойдаланишнинг мос келиши масалалари бўйича йирик солик тўловчилар фаолияти мониторингини амалга ошириш;

6) солик мониторингини амалга оширишда солик тўловчидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз муддатида тўланиши билан боғлик бўлган зарур хужжатлар, маълумотлар, тушунтиришларни талаб қилиб олиш;

7) йирик солик тўловчиларга фаолиятида ўтказилган хронометраж кўздан кечириш натижаларига кўра товар (иш, хизмат)лар реализациясидан камайтириб кўрсатилган тушумни қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда соликларни ҳисоблашни амалга ошириш ҳақида белгиланган тартибда талабнома юбориш;

8) худудий давлат солик хизмати органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун асос бўлувчи кузатув далолатномаларини тузган ҳолда йирик солик тўловчилар ҳисобини юритиш;

9) белгиланган тартибда қуидагиларни олиш:

ваколатли органлардан – йирик солик тўловчиларга лицензия ва (ёки) бошқа рухсат берувчи хужжатлар берилганлиги, шунингдек, уларнинг бекор қилинганлиги, амал қилиши тўхтатилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

курилиш соҳасида назорат қилувчи давлат органларидан – ер майдонлари ва обьектларни қуришга рухсат берувчи хужжатларнинг мавжудлиги, жумладан, лойиҳа-смета хужжатлари ва қурилишни якунлаш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлардан – тегишли худудда жойлашган ер майдони ёки бошқа кўчмас мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотлар;

сув ресурслари ҳисобини юритувчи органлардан – йирик солик тўловчилар томонидан фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

нотариал идоралардан – “Нотариат тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига биноан йирик солик тўловчилар бўйича амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар;

фойдаланишга берилган ер қаъри майдонларининг давлат ҳисоби ва (ёки) ер қаъри майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан – ер қаъри майдони жойлашган жой ва мазкур ер қаъри майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахс тўғрисидаги маълумотлар;

Кимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан – у ва инвестицион воситачилар томонидан рўйхаттга олинган акциялар билан битимлар тўғрисида ахборот;

банк ва бошқа кредит-молия муассасаларидан – йирик солик тўловчиларнинг ҳисоб ва бошқа рақамларида амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар;

божхона ва бошқа ваколатли органлардан – импорт-экспорт операциялари бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар ва йирик солик тўловчилар тўғрисидаги бошқа зарур ахборот;

тегишли вазирлик ва идоралардан – Худудларо инспекция ваколати доирасида юклangan вазифаларни бажариши учун зарур бўлган маълумотлар ва бошқа турдаги ахборотлар;

солик маъмуриятчилиги соҳасидаги хорижий давлатнинг ваколатли органидан – Кўмита билан келишилган ҳолда йирик солик тўловчилар ва уларнинг ўзаро алоқадор юридик шахслари томонидан солик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар;

10) хукуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда мансабдор шахслар ҳамда фуқароларни тушунтириш бериш учун Ҳудудлараро инспекцияга белгиланган тартибда таклиф қилиш;

11) солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоблаб чиқилган суммасини ҳисоблаб чиқариш ёки қайта кўриб чикиш;

12) йирик солиқ тўловчилар қайд этилган манзилда бўлмаганда, шунингдек, солиқ ҳисботи ва (ёки) молиявий ҳисбот, камерал назорат натижалари бўйича тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисботи белгиланган муддатда тақдим этилмаганда уларнинг банкдаги ҳисобрақамлари бўйича операцияларини тўхтатиш;

13) қонун хужжатларида белгиланган тартибда:

солиқка оид хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда йирик солиқ тўловчиларга нисбатан молиявий жарималар қўллаш;

маъмурий хукуқбузарликларга доир ишларни кўриб чиқиш ҳамда маъмурий чоралар кўриш;

14) йирик солиқ тўловчилар томонидан ноқонуний олинган маблағларни давлат даромадига ундириш бўйича судга даъво киритиш;

15) йирик солиқ тўловчилар томонидан камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутларнинг асослари тақдим этилмаган тақдирда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни суд тартибида ундириш;

16) давлат улушлари бўйича дивидендерни ва йирик солиқ тўловчи ҳисобланган давлат унитар корхоналарининг соғ фойдасидан Давлат бюджетига ажратмаларни ундириш;

17) йирик солиқ тўловчиларга уларнинг мажбуриятлари бажарилиши лозимлиги ҳамда солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш бўйича қўлланилаётган чоралар тўғрисидаги талабномани қонун хужжатларида белгиланган тартибда юбориш;

18) йирик солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун мобайнида ёзма ариза берилмаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини солиқ қарзини, шу жумладан, улар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига мустақил равишда хулоса тақдим этиш;

19) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган ҳолатларда чет тилида тузилган хужжатларнинг давлат тилига таржимасини нотариал тасдиқланган ҳолда талаб қилиш;

20) фойда солиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, молмулк солиги бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китоб бўйича бюджетга тўланадиган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни солиқларнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш;

21) Ҳудудлараро инспекция ваколатлари доирасида масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда шартнома асосида экспертиза тайинлаш, шунингдек, солиқ назоратининг шаклларини амалга ошириш учун илмий ва бошқа ташкилотлар, мутахассислар, шу жумладан, таржимонлар ва экспертларни жалб қилиш;

22) йирик солик тўловчиларга нисбатан солик назоратининг шаклларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлаш учун Кўмита марказий апарати таркибий тузилмаларининг ходимларини жалб қилиш, шу мақсадда эксперт ҳамда ишчи гурӯхлар ташкил этиш;

23) назорат тадбирлари натижасида назорат обьектлари мансабдор шахслари ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда, ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш;

24) давлат солик хизмати органларининг тизимидағи мавжуд ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш;

25) давлат солик хизмати органларининг ахборот-коммуникация технологиялари маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш;

26) фойдаланиш ҳуқуки факат Худудлараро инспекция ходимларига бериладиган локал ахборот тармоқлардан фойдаланиш, ўзининг дастурий маҳсулотлари ва ахборот тизимларини яратиш;

27) фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилишини ҳисобга олиб, Худудлараро инспекция ходимларини Кўмита билан келишилган ҳолда моддий рағбатлантириш, индивидуал устамаларни белгилаш;

28) қонуни ҳужжатларига асосан давлат солик хизмати органларининг ваколат доирасига кирадиган бошқа ҳуқуқларидан фойдаланиш.

13. Худудлараро инспекция куйидагилар учун жавобгардир:

Худудлараро инспекцияга юкланган функция ва вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

йирик солик тўловчилар томонидан соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тушишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг солик солинадиган базасини кенгайтиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чикиш;

Кўмитага киритиладиган ҳужжат лойиҳалари ҳамда таклифлар, шунингдек, улар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати, натижалари ва оқибати;

давлат солик хизмати органларини ривожлантириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “йўл ҳариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши, муаммоли масалалар ҳал этилиши;

йирик солик тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилишларини таъминлаш.

4-боб. Худудлараро инспекция раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари

14. Куйидагилар Худудлараро инспекция бошлигининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Худудлараро инспекция фаолияти юзасидан умумий раҳбарликни амалга ошириш, мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан Худудлараро инспекцияга юкланган функция ва вазифаларнинг бажарилишини ташкил қилиш;

Худудлараро инспекция фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларини сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чоралар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари ва топширикларининг бажарилишини таъминлаш, Худудлараро инспекция ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топширикларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чоралар кўриш;

Кўмита Ҳайъати қарорлари, Кўмита раиси ва унинг ўринbosарлари буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш;

ўз ўринbosарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Худудлараро инспекциянинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Худудлараро инспекция фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринbosарлари ва бошқа мансабдор шахсларининг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

Худудлараро инспекциянинг фаолиятини режалаштирилишни ташкил қилиш ҳамда инспекциянинг ва ўз ўринbosарларининг ҳар чораклик ишлар режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Худудлараро инспекция тизимидағи кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Худудлараро инспекциянинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Кўмита номенклатурасига кирадиган вакант лавозимларга таклиф этилган кадрлар, шунингдек, Худудлараро инспекцияга ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибаси, юқори даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатлари кафолатини таъминлаш;

Худудлараро инспекция бошлиғи ва ходимлари хизмат сафарларини қонун ҳужжатлари талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

Худудлараро инспекция ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринbosарларини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни қўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга доир тизимли чораларни амалга ошириш;

Худудлараро инспекция ходимларининг Кўмита томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишларини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Худудлараро инспекция фаолияти доирасида коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукуқни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш йўли билан уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Худудлараро инспекция ходимларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Худудлараро инспекция фаолиятига оид масалалар бўйича қонун хужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги, сифатлилиги ва очиқлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Кўмита раҳбариятига киритиш;

Худудлараро инспекция ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ташаббус кўрсатиш;

белгиланган тартибда раҳбарлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказиш бўйича ишчи комиссияни ташкил қилиш, шунингдек, уларга белгиланган тартибда маҳсус унвонлар бериш тўғрисида таклифлар киритиш;

йирик солиқ тўловчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, қонун хужжатларига мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушадиган йирик солиқ тўловчиларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

давлат сирларига киритилган ахборот ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш.

15. Куйидагилар Худудлараро инспекция бошлиги ўринbosарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, шунингдек, бошқа норматив-хукукий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

бошлиқ вақтинча бўлмагандан тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Худудлараро инспекциянинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва унга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларига сўзсиз эришишни таъминлаш чораларини кўриш, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳисботларини мунтазам равишда эшишиб бориш ва қайд этилган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг хар чораклик режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, Худудлараро инспекцияда таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Махкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ва Вазирлар Махкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чоралар кўриш;

Кўмита Ҳайъати қарорлари, Кўмита раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, Худудлараро инспекция бошлигининг буйруқлари ва топшириқларининг ижросини таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича бошлиққа таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажриба, юқори даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш бўйича чоралар кўриш;

хизмат сафарларини қонун ҳужжатлари талабларига тўла мувофиқ равишида ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қилиш, мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалалаларни кўриб чиқиш бўйича таклифларни Худудлараро инспекция бошлиғига киритиш, функционал мажбуриятлар ва юкландиган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Худудлараро инспекция фаолияти доирасида коррупция ва бошка ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни кўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш йўли билан уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

йирик солиқ тўловчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, қонун хужжатларига мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушадиган йирик солиқ тўловчиларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

давлат сирларига киритилган ахборот ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

16. Куйидагилар Худудлараро инспекция таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилишни амалга ошириш, ушбу бўлинмаларга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам равиша таҳлил қилиш ҳамда таркибий бўлинмаларнинг ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўёшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни мутасаддилек қиласиган Худудлараро инспекция бошлиги ўринbosарларига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хужжатлари ва топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, Худудлараро инспекция ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, таркибий бўлинмалар ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топширикларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чоралар кўриш;

Кўмита Ҳайъати қарорлари, Кўмита раиси ва унинг ўринbosарлари, Худудлараро инспекция бошлиги ва унинг ўринbosарлари бўйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, тасдиқка киритиш, уларда белгиланган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юклangan вазифаларнинг ижросини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни амалга ошириш;

таркибий бўлинмалар фаолияти масалаларидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Худудлараро инспекция раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритиш;

бошлиқ ўринбосарларига кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйишида таклифлар бериш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажриба, юқори даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш бўйича чоралар кўриш, бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

хизмат сафарларини қонун хужжатлари талабларига тўла мувофиқ равишида ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлигини ва натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қилиш, мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, натижалари бўйича зарурий чоралар кўриш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Ҳудудлараро инспекция фаолияти доирасида коррупция ва бошқа хукукбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукуқни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш йўли билан уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

йирик солик тўловчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, қонун хужжатларига мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушадиган йирик солик тўловчиларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

давлат сирларига киритилган ахборот ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш.

5-боб. Ҳудудлараро инспекция раҳбарларининг жавобгарлиги

17. Ҳудудлараро инспекция бошлиғи:

Ҳудудлараро инспекцияга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган Ҳудудлараро инспекция жавобгарлиги соҳалари бўйича;

мазкур Низомнинг 14-бандида белгиланган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

18. Ҳудудлараро инспекция бошлиғи ўринбосарлари:

Ҳудудлараро инспекциянинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари томонидан Ҳудудлараро инспекцияга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

мутасаддилик қилинадиган масалалар бўйича кисмида мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган Ҳудудлараро инспекция жавобгарлиги соҳалари бўйича;

мазкур Низомнинг 15-бандида белгиланган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

19. Ҳудудлараро инспекциянинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

тегишли таркибий бўлинмаларига юкланган вазифа ва функцияларнинг амалга оширилиши;

ваколатига кирадиган масалалар бўйича мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган Худудлараро инспекция жавобгарлиги соҳалари бўйича;

мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

20. Худудлараро инспекциянинг ходимлари:

ўз функционал вазифаларини бажармаслик ёки тўлақонли бажармаслик, ижро интизомини бузганликлари;

ноқонуний ҳаракатлари (харакатсизлиги) оқибатида йирик солиқ тўловчиларга моддий ва маънавий зарар етказганликлари;

ўзларининг ноқонуний ҳаракатлари (харакатсизлиги) оқибатида йирик солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажми камайганлиги ва солиқка тортиш базасининг пасайганлиги;

қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар қабул қилганликлари;

қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа хукуқбузарликлар учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

6-боб. Худудлараро инспекция фаолиятини ташкил этиш

1-§. Худудлараро инспекция раҳбарияти, ходимларини тегишли лавозимга тайинлаш ва ходимларнинг мақоми

21. Худудлараро инспекциянинг ташкилий бўлинмаси ва штатдаги ходимлари сони Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан белгиланган тартибда келишилган ҳолда Кўмита раиси томонидан тасдиқланади.

22. Худудлараро инспекцияга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Кўмита раиси томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик киласи.

23. Худудлараро инспекция бошлиғи:

Кўмита раисининг мутасаддилик қиладиган ўринbosарининг тавсиясига кўра Кўмита раиси томонидан лавозимга тайинланадиган икки нафар, жумладан бир нафар биринчи ўринbosарга эга бўлади;

ўз фаолиятида Кўмита раисига бўйсунади ва унга ҳисобот беради.

24. Худудлараро инспекция бошлиғи бўлмаганда унинг ваколатларини бажариш мажбуриятлар таксимотига мувофиқ унинг ўринbosарлари томонидан амалга оширилади.

25. Лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиши:

Худудлараро инспекциянинг таркибий бўлинмалари бошлиқлари Худудлараро инспекция бошлигининг тавсиясига кўра Кўмита раиси томонидан;

Худудлараро инспекциянинг таркибий бўлинмалари бошлиқлари ўринbosарлари ва бошқа ходимлари Худудлараро инспекция бошлиғи томонидан амалга оширилади.

26. Мавқеи, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари бўйича Худудлараро инспекция бошлиғи ва унинг ўринbosарлари тегишли равишда Кўмита марказий аппаратининг бошқарма бошлиғи ва бошқарма

бошлиғи ўринбосарларига, Худудлараро инспекциянинг ходимлари эса – Кўмита марказий аппаратининг ходимларига тенглаштирилади.

2-§. Худудлараро инспекция ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг Кўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари билан, шунингдек, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги

27. Худудлараро инспекция таркибий бўлинмаларининг Кўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари билан ҳамкорлиги Худудлараро инспекция таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

28. Худудлараро инспекция бўлинмаларининг Кўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари билан ҳамкорлиги ахборот айирбошлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ назоратининг шаклларини амалга оширишга асосланган.

29. Худудлараро инспекция таркибий бўлинмаларининг Кўмита марказий аппарати бўлинмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари билан ҳамкорлиги жараёнида вужудга келадиган тушунмовчиликлар Кўмита раисининг топширигига мувофиқ унинг тегишли ўринбосарлари томонидан кўриб чикилади. Ушбу кўриб чиқиша тушунмовчиликлар тартибга солинмаган ҳолатларда, улар бўйича қарор бевосита Кўмита раиси томонидан қабул қилинади.

30. Худудлараро инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари ўзларининг вазифа ва функцияларини бажаришда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи.

7-боб. Худудлараро инспекция фаолиятини баҳолаш

31. Худудлараро инспекция фаолиятини баҳолаш ҳар чоракда Кўмита томонидан амалга оширилади.

32. Худудлараро инспекция фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича Кўмита хulosаси:

Худудлараро инспекция раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чораларини кўриш;

Худудлараро инспекция фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш учун асос бўлади.

8-боб. Худудлараро инспекция фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техника билан таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

33. Худудлараро инспекцияни молиялаштириш ва моддий-техника билан таъминлаш, жумладан, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бюджетдан

ажратиладиган маблаглар доирасида Давлат бюджетидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солик органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар маҳсус жамгармаси маблағлари, шунингдек, конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

34. Худудлараро инспекция ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, маҳсус унвонлар, кўп йил хизмат қилганлик учун устама ҳақлар, дам олиш ва байрам кунлари учун тўловлар, бошқа устама, кўшимча ҳақлардан иборат бўлади ҳамда у конун хужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Худудлараро инспекция ходимларининг лавозим маошларига ойлик устама ва қўшимчалар Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида тўланади.

35. Худудлараро инспекция ходимларига Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси тўғрисидаги Низомда назарда тутилган моддий рағбатлантириш, мукофотлаш тартиби ва турлари татбиқ этилади.

36. Худудлараро инспекция ходимларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан лавозим маошларининг 20 фоиз микдорида маҳсус устама белгиланади.

37. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солик органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар маҳсус жамгармаси маблағларининг Худудлараро инспекция томонидан шакллантирилиши ва улардан фойдаланилиши Кўмита томонидан белгиланади.

10-боб. Худудлараро инспекциянинг ҳисботи

38. Худудлараро инспекция бошлиги Худудлараро инспекциянинг фаолияти тўғрисида Кўмита раиси олдида мунтазам равишда ҳисбот беради.

39. Кўмита раисининг ўринбосарлари Худудлараро инспекция раҳбарларига юклangan вазифаларни самарали бажаришлари бўйича уларнинг фаолиятини доимий назорат қилиб борадилар.

40. Ҳар чораклик баҳо натижалари бўйича Худудлараро инспекциянинг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари ва ходимлари рағбатлантирилади ёки йўл кўйилган жиддий камчиликлари учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

11-боб. Якунловчи қоида

41. Худудлараро инспекция ходимларига таъсир кўрсатиш, шунингдек, фаолиятига обрўсизлантириш, юклangan вазифа ва функцияларни бажаришига тўсқинлик қилиш мақсадида аралашиш тақиқланади ва конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “17” апрелдаги 320-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида
хизматни ўташ тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларига (кейинги ўринларда солиқ органлари деб аталади) мансабдор шахсларни хизматга қабул қилиш ва уларни бўшатиш, улар томонидан хизматни ўташ, маҳсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум қилиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

раҳбарлик лавозимлари – солиқ органларининг бошқарув функцияларини амалга оширувчи, ходимларга раҳбарлик қилувчи, тегишли қарорларни ишлаб чиқувчи ва қабул қилувчи, солиқ органлари фаолияти жараёнларини режалаштирувчи, назорат қилувчи ва тартибга солувчи, кўйилган мақсадга эришиш ҳамда солиқ органларига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур ташкилий-техник шарт-шароитлар билан таъминловчи ходимлари лавозимлари;

инспекторлар таркиби лавозимлари – мазкур банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган ваколатлар берилмаган ҳолда солиқ органларига юкланган вазифалар ва функцияларни бажарувчи солиқ органлари ходимлари лавозимлари.

3. Солиқ органлари мансабдор шахсларига (кейинги ўринларда мансабдор шахслар деб аталади) солиқ органларида бошқарув ходимларининг штатидаги лавозимларни эгаллаб турган шахслар киради ва уларга эгаллаб турган лавозимларига ҳамда узоқ муддат ишлаганилигига мувофиқ равишда куйидаги маҳсус унвонлар берилади:

солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси;

солиқ хизматининг I даражали инспектори;

солиқ хизматининг II даражали инспектори;

солиқ хизматининг III даражали инспектори;

солиқ хизматининг инспектори.

2-боб. Хизматга қабул килиш ва лавозимга тайинлаш

4. Солик органларида хизматга ўзларининг касб малакаси, ишчанлик, шахсий ва маънавий-ахлокий сифатларига, маълумоти даражасига ва саломатлигига кўра солик органларига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга кодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фукаролари қабул қилинадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси (кейинги ўриниларда Кўмита деб аталади) раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва эгаллаб турган лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод қилинади.

Кўмита раисининг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари бошликлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

Кўмита марказий аппаратининг ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида санаб ўтилмаган мансабдор шахслари, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари бошликлари ўринбосарлари, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари бўлимлари бошликлари, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари Ички аудит бошкармаси ва Ўз хавфсизлиги бошкармаси бўлимлари мансабдор шахслари, Йирик солик тўловчилар бўйича худудлараро давлат солик инспекцияси бошлиғи ва бошлиқ ўринбосарлари, Йирик солик тўловчилар бўйича худудлараро давлат солик инспекцияси бўлимлари бошликлари, Йирик солик тўловчилар бўйича худудлараро давлат солик инспекцияси Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари мансабдор шахслари, туманлар (шаҳарлар) давлат солик инспекциялари бошликлари белгиланган тартибда Кўмита раисининг бўйруги билан тайинланадилар.

Ушбу банднинг биринчи – учинчи хатбошиларда санаб ўтилмаган мансабдор шахслар тегишли солик органи раҳбари томонидан тайинланадилар.

6. Солик органларининг инспекторлар таркиби лавозимлари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими даражасидан кам бўлмаган иқтисодиёт, ҳукуқ, компьютер технологиялари ва информатика таълими соҳасидаги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича маълумотга эга бўлган шахслар томонидан танлов асосида эгалланади.

Айрим ҳолларда солик органларига хизматга бошқа соҳаларда олий маълумотга эга бўлган, корхоналар ва алоҳида тармоқларга солик солиш ва уларнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилиш соҳасида зарурӣ билимларга, шунингдек, иш тажрибасига эга бўлган ходимлар қабул килиниши мумкин.

Солик органларига янги ишга қабул қилинадиган шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказида давомийлиги уч ойгача бўлган касбий тайёргарлик курсларидан ўтадилар.

Солик органларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиганлардан ташқари, раҳбарлик лавозимлари танлов асосида мазкур

банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган таълим соҳасидаги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар томонидан эгалланади.

Танловлар ўтказиш, хизматга қабул қилиш ва бошқа доимий ишга ўтказиш тартиби меҳнатга оид қонун хужжатларига мувофиқ Кўмита томонидан белгиланади.

Танлов қуидаги боскичларда ўтказилади: бирламчи сухбатлашиш ва хужжатларни ўрганиш; маҳсус текширув; сухбатлашиш.

Кўмитанинг Солик текширувлари ва мавзули экспресс-ўрганишлар бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари ходимлари таркиби таълимнинг иктисадиёт соҳасидаги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича олий маълумотга ҳамда солик органларида Кўмита марказий аппарат ходимлари учун – камида 5 йил ва худудий бўлинмалар ходимлари учун – камида 3 йил умумий иш стажига эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан бутланади.

7. Қуидаги шахслар:

Ўзбекистон Республикаси фукароси бўлмаган;

жиноят содир этганлиги учун илгари судланган фуқаролар уларга нисбатан жазо қўлланилганлигидан, судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ва амнистия акти қўлланилганлигидан қатъи назар,

белгиланган тартибда ҳуқуқий лаёқатсиз ёки ҳуқуқий лаёқати чекланган деб эътироф этилган;

меҳнат ҳақидаги конунларга мувофиқ илгари иш берувчининг ташаббуси билан давлат солик хизмати органларидан бўшатилган (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 1, 2 ва 5-бандлари бўйича бўшатилган ҳолатлар бундан мустасно), шунингдек, бошқа орган ва ташкилотлардан обрўсини тўқадиган хатти-ҳаракат содир этганлик учун бўшатилган шахслар давлат солик хизмати органларига хизматга қабул қилинмайдилар.

8. Хизматга қабул қилинаётган шахс билан тегишли солик органи меҳнат шартномаси тузади.

Солик органларида хизмат қилиш тўғрисидаги намунавий меҳнат шартномаси шакли Кўмита раиси томонидан белгиланади.

9. Солик органларида хизматга қабул қилинаётган шахслар штатдаги лавозимга меҳнат шартномасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддаси талабларига мувофиқ уч ойгача синов муддати билан тайинланадилар, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиганлар бундан мустасно.

Синов муддати мобайнида ходимга мураббий тайинланади.

10. Солик органига хизматга қабул қилинган шахсга бутун хизмат даври учун шахсий табель тартиб рақами берилади.

3-боб. Хизматни ўташ

11. Солик органларида штатдаги лавозимга тайинлашда қуидаги талабларга риоя қилинади:

мансабдор шахс вазифасини асосий ёки турдош ихтисос бўйича мансаб йўрикномасига мувофиқ ёхуд мавжуд иш тажрибасига мувофиқ бажариши керак. Бошқа ихтисос бўйича вазифаларни бажариш зарурати бўлганда улар қайта тайёрлаш ва тажриба орттиришдан ўтадилар;

мансабдор шахслар янада юқори раҳбарлик лавозимига тасдиқлангунгача ушбу лавозимни бажариб турувчи этиб тайинланишлари мумкин, бунда уларнинг вазифаларни бажариб туриши узлуксиз муддати уч ойдан ошмаслиги керак;

яқин қариндош бўлган ёки яқин қариндошлиги бўлган (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларниң ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) мансабдор шахсларнинг, агар уларнинг хизмати бир-бирига бевосита бўйсуниш ёки назоратда бўлиш билан боғлиқ бўлса, айнан бир солик органида хизматни ўташига рухсат этилмайди.

12. Мансабдор шахсларни хизмат бўйича кўтариш уларнинг амалий ишда намоён қилган касбий, маънавий ва ишчанлик сифатларига қараб амалга оширилади.

13. Ишчанлик ва маънавий сифатларини, касб бўйича хизматга лаёқатини баҳолаш ҳамда шахсий қобилияти ва иш тажрибасига мувофиқ оқилона жойлаштириш учун мансабдор шахслар ҳар уч йилда камида бир марта аттестациядан ўтказилади. Навбатдан ташқари аттестациялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ўтказилади.

Мансабдор шахсларни аттестациядан ўтказиш тартиби Кўмита раиси томонидан тасдиқланадиган Давлат солик хизмати органларининг мансабдор шахсларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади.

14. Мансабдор шахсларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Рағбатлантириш чоралари қуидагилар ҳисобланади:

ташаккурнома;

пул мукофоти;

фаҳрий ёрлик;

кимматбаҳо совға;

муддатидан олдин ёхуд эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, навбатдан ташқари ёки навбатдаги маҳсус унвон бериш;

идоравий мукофотлар (кўкрак нишонлари) билан тақдирлаш.

Хизмат вазифасини бажаришда кўрсатилган мардлик ва жасорати, хизмат вазифасини намунали бажарганлиги учун мансабдор шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат мукофотларига, тақдирлашга тақдим этилиши мумкин.

Интизомий жазо чоралари меҳнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўлланилади.

Рагбатлантириш ва интизомий жазолаш чораларини кўллаш тартиби Кўмита томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланадиган Давлат солиқ хизмати органларининг ички меҳнат тартиби коидалари билан белгиланади.

15. Коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва олдини олиш, ходимнинг шахсий ва ишчанлик фазилатларини, унинг фаолияти самарадорлигини тизимли ўрганиш, шунингдек, солиқ органлари фаолиятининг турли йўналишларида билим ва тажрибага эга кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ходимлар ротация қилинади.

Солиқ органлари ходимларини ротация қилиш тартиби Кўмита томонидан белгиланади.

16. Мансабдор шахсларни бошқа лавозимларга ўтказиш меҳнатга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

17. Мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказида, “Солиқ-сервис” ДУК да ёки бошқа таълим муассасаларида, курсларда, семинарларда, Кўмита раиси томонидан белгиланадиган тартибда тайёргарлик, қайта тайёргарлик ҳамда малака оширишдан ўтадилар.

18. Мансабдор шахсларни жисмоний тарбия-спорт бўйича тайёрлаш уларнинг хизмат жойларида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказида ва Кўмитанинг таълим муассасаларида Кўмита томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари хисобидан давлат томонидан мажбурий сугурта қилинадилар.

20. Мансабдор шахсларга меҳнат таътиллари бериш тартиби меҳнатга оид қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Мукофотлар, компенсациялар, моддий ёрдам бериш тартиби ва уларнинг манбалари Кўмита томонидан белгиланади.

Мансабдор шахслар хизмат фаолиятини амалга ошириш муносабати билан тан жароҳатлари олганда ёки ҳалок бўлгандан бирйўла бериладиган нафақалар тўлаш тартиби ва миқдорлари қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

4-боб. Мансабдор шахсларнинг солиқ органларида хизматни ўташ билан боғлиқ ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

21. Мансабдор шахсларнинг солиқ органларида хизматни ўташ билан боғлиқ ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

22. Мансабдор шахслар бошликларининг қасдан берилган ноқонуний тусдаги буйруқларини бажармаслик ҳукуқига эгадирлар, бунда улар юқори

турувчи бошлиқлар буйруғини бажармаганлик сабаблари ҳақида юқори турувчи органларни хабардор қилишга мажбурдирлар.

23. Мансабдор шахслар уларга нисбатан интизомий жазо чорасини күллаш, шу жумладан лавозимидан четлатиш ёки бўшатиш тўғрисида қабул қилган қарорлар юзасидан юқори ташкилотларга ва судларга шикоят беришга ҳақлидирлар.

24. Мансабдор шахслар Солик органларининг ички меҳнат тартиби коидаларига риоя этишга, шунингдек, формали кийим-бош кийиб юришга мажбурдирлар.

25. Мансабдор шахсларга:

бирон-бир тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш;

ўриндошлиқ бўйича ишлаш (илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан шугулланиш бундан мустасно);

ўз хизмат вазифаларини бажарганлик ёки бажармаганлик учун мукофотлар ёки хизматларни қабул қилиш;

қариндошлар, танишлар ва бошқа бегона шахсларнинг илтимосига кўра конун хужжатларига риоя этмаслик;

иш ташлашлар, сиёсий манифестациялар ва юришларни ташкил этиш ва уларда қатнашиш;

хизмат вазифаларини бажариш чогида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;

солик органлари шаънига доғ туширувчи шахслар билан муносабат ўрнатиш;

солик органларида учинчи шахслар иши бўйича ишончли вакиллар ёки вакиллар бўлиш;

моддий-техника ва ахборот билан таъминлаш, молия воситаларидан, давлатнинг бошқа мол-мулкидан, шунингдек, хизмат ахборотларидан лавозим вазифалари билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

26. Мансабдор шахслар томонидан халқаро ва давлатлараро симпозиумларда, конференцияларда ҳамда иш (хизмат) тусидаги бошқа учрашувларда олинган 200 АҚШ долларига teng миқдордан ортиқ қимматбаҳо совғалар белгиланган тартибда бюджет даромадига ўтказилади, уларнинг спорт мусобақаларида, ижодий ва касб бўйича танловларда олган шахсий совринлари бундан мустасно.

27. Мансабдор шахсларнинг ва улар оила аъзоларининг ҳаёти, саломатлиги, шаъни ва қадр-қимматини ушбу шахслар томонидан хизмат бурчи бажарилиши муносабати билан жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш конун хужжатлари билан кафолатланади.

28. Хизмат вазифаларини ёки хизмат бурчини бажариш муносабати билан мансабдор шахс мол-мулкига етказилган зарар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағларидан тўланади, ушбу сумма кейинчалик айбордor шахслардан ундирилади.

29. Мансабдор шахслар қонун хужжатлари, шунингдек, Кўмитанинг хизматни ўташ ва кадрлар билан ишлаш масалалари бўйича хужжатлари талабларига аниқ риоя этилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

30. Солик органлари раҳбарлари ўзларига бўйсунувчи ходимларни хизмати учун хавфсиз, мақбул шарт-шароитлар билан таъминлашга, уларнинг қонун хужжатларида, шунингдек, Кўмита хужжатларида назарда тутилган хукуқларини муҳофаза қилишга, уларга хизмат бўйича кўтарилиш ва маданий ҳордик учун имкониятлар яратишга мажбурдирлар.

5-боб. Мансабдор шахсларга маҳсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум қилиш тартиби

31. Малака тавсифномалари талабларига жавоб берадиган мансабдор шахсларга, аттестациядан ижобий ўтган тақдирда, штатлар рўйхати бўйича эгаллаб турган лавозимини ҳисобга олган ҳолда ҳамда олдинги унвонида хизмат қилиш мuddати тугагач, изчил тартибда кўйидаги навбатдаги маҳсус унвонлар берилади:

Кўмита марказий аппарати, Йирик солик тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солик инспекцияси ва Кўмитага идоравий мансуб таълим муассасаларида:

Штатдаги лавозим*	Маҳсус унвон
Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси раиси	Солик хизматининг бош давлат маслаҳатчиси
Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари	Солик хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси
Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси раисининг ўринбосари	Солик хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси
Бошқарма бошлиғи, Йирик солик тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солик инспекцияси бошлиғи ва унинг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Малака ошириш маркази директори, солик коллажлари директорлари	Солик хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси
Бошқарма бошлиғи ўринбосари, мустақил бўлим бошлиғи, раис котибияти мудири, навбатчи қисм ва идоравий кўриқлаш бошлиғи, Йирик солик тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солик инспекцияси бошлиғи ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Малака ошириш маркази директорининг ўринбосарлари, кафедра мудиirlари ва доцентлари, солик коллажлари директорларининг	Солик хизматининг I даражали маслаҳатчиси

ўринбосарлари	
Бошқарма бўлими бошлиғи, бошқармада бўлим бошлиғи ўринбосари, раис ёрдамчиси ва раиснинг биринчи ўринбосари ёрдамчиси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Малака ошириш маркази бўлим бошлиқлари, давлат солик бош инспектори, шуъба бошлиқлари, бош юрисконсульт, бош иқтисодчи, бош мутахассис	Солик хизматининг II даражали маслаҳатчиси
Етакчи мутахассис, давлат солик катта инспектори, навбатчи қисм ва идоравий қўриқлаш навбатчиси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Малака ошириш маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, шунингдек, солик коллежлари ўкув кенгаши котиби, профессорлари ва доцентлари, бош бухгалтери, бош иқтисодчиси, бош муҳандиси, бош мутахассиси, методисти (шу жумладан, филиаллар методистлари), ўқитувчилари	Солик хизматининг III даражали маслаҳатчиси
Давлат солик инспектори, I тоифали мутахассис, I тоифали бухгалтер	Солик хизматининг I даражали инспектори

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари, шунингдек туманлар (шаҳарлар) давлат солик инспекцияларида:

Штатдаги лавозим*	Махсус унвон
Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари бошлиқлари	Солик хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси
Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари, вилоятлар марказлари шаҳарлари давлат солик инспекциялари бошлиқлари, 200 минг кишидан ортиқ аҳолиси бўлган шаҳарлар давлат солик инспекциялари бошлиқлари, Тошкент шаҳридаги туманлар давлат солик инспекциялари бошлиқлари	Солик хизматининг I даражали маслаҳатчиси
Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари мустақил бўлимлари ва шуъбалари бошлиқлари, Тошкент шаҳридаги туманлар давлат солик инспекциялари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлардаги туманлар (шаҳарлар) давлат солик инспекциялари бошлиқлари, вилоятлар марказларидаги шаҳарлар давлат солик инспекциялари	Солик хизматининг II даражали маслаҳатчиси

бошлиқлари ўринбосарлари, 200 минг кишидан ортиқ ахолиси бўлган шаҳарлар давлат солик инспекциялари бошлиқлари ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармаларининг бош бухгалтерлари, навбатчи қисмлари бошлиқлари	
Тошкент шаҳар давлат солик бошқармаси бошқармаларининг бўлим бошлиқлари ўринбосарлари, бўлимдаги шуъба бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармаларининг давлат солик бош инспекторлари, бош мутахассислари, бош юрисконсультлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат солик инспекциялари бошлиқлари ўринбосарлари, давлат солик инспекциялари бўлимлари бошлиқлари	Солик хизматининг III даражали маслаҳатчиси
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармаларининг давлат солик катта инспекторлари, етакчи мутахассислари, навбатчи қисм навбатчилари, давлат солик инспекцияларининг давлат солик бош инспекторлари, бош мутахассислари, бош юрисконсультлари	Солик хизматининг I даражали инспектори
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармаларининг давлат солик инспекторлари, мутахассислари, давлат солик инспекцияларининг давлат солик катта инспекторлари	Солик хизматининг II даражали инспектори
Давлат солик инспекцияларининг етакчи мутахассислар	Солик хизматининг III даражали инспектори
Давлат солик инспекцияларининг давлат солик инспекторлари, I даражали мутахассислари	Солик хизматининг инспектори

**) Солик органларида ишлайдиган, лавозими ушбу жадвалда кўрсатилмаган шахсларга маҳсус унвонлар Кўмита томонидан белгиланадиган эгаллаб турган лавозими бўйича тенглаштирилган мақомига мувофиқ берилади.*

32. Мансабдор шахсларга:

солик хизматининг бош давлат маслаҳатчиси, солик хизматининг I, II, III даражали давлат маслаҳатчиси маҳсус унвонлари – Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

солик хизматининг I, II, III даражали маслаҳатчиси, солик хизматининг I даражали инспектори маҳсус унвонлари – Кўмита раиси томонидан;

солик хизматининг II ва III даражали инспектори, солик хизматининг инспектори маҳсус унвонлари – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари бошлиқлари томонидан берилади.

Йирик солиқ түловчилар бүйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси, идоравий мансуб таълим муассасалари ва ташкилотлари ходимларига маҳсус унвонлар Кўмита раиси томонидан берилади, ушбу банднинг иккинчи хатбошида келтирилган маҳсус унвонлар бундан мустасно.

33. Мансабдор шахслар маҳсус унвонда хизмат қилишининг қўйидаги муддатлари белгиланади:

- солиқ хизматининг инспектори – 1 йил;
- солиқ хизматининг III даражали инспектори – 2 йил;
- солиқ хизматининг II даражали инспектори – 2 йил;
- солиқ хизматининг I даражали инспектори – 3 йил;
- солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси – 3 йил;
- солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси – 4 йил;
- солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси – 4 йил.

Солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси, солиқ хизматининг I, II, III даражали давлат маслаҳатчиси учун маҳсус унвонларда хизмат қилиш муддатлари белгиланмайди.

34. Маҳсус унвонда хизмат қилиш муддати маҳсус унвон бериш тўғрисидаги буйруқ чиққан кундан бошлиб ҳисобланади. Мансабдор шахсларнинг пасайтирилган маҳсус унвонда бўлган вақти тикланган унвондаги хизмат муддатига қўшилмайди.

35. Раҳбарлик лавозимига янги қабул қилинган мансабдор шахсларга маҳсус унвон эгаллаб турилган штатдаги лавозими бўйича синов муддати тугагандан кейин берилади, солиқ хизматининг инспектори маҳсус унвони бундан мустасно.

36. Мансабдор шахсларга, янада юқорироқ унвон бериладиган лавозимга ўтказилганда ва тайинланганда, унга навбатдаги маҳсус унвонни, янги лавозимда бўлиш муддатидан қатъи назар, ва навбатда ва муддатларга риоя қилмасдан олиш хуқуқи берилади, бироқ мазкур унвон унинг маҳсус унвонидан икки даражадан юқори бўлмаслиги керак.

37. Интизомий жазо олган ёхуд унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган ёки қонунчиликни ёки хизмат интизомини бузганлик факти бўйича хизмат текшируви ўтказилаётган мансабдор шахсларни навбатдаги маҳсус унвонларни беришга ёки рағбатлантиришга тавсия этиш интизомий жазо олиб ташлангунгача ёхуд жиноий иш озод қилувчи асослар бўйича тўхтатилгунгача ёки хизмат текшируви тугагунгача амалга оширилмайди.

38. Истисно тартибида, ваколатли мансабдор шахслар навбатдаги маҳсус унвонларни муддатидан олдин ёки эгаллаб турилган штатдаги лавозим бўйича белгилангандан бир даражада юқори унвонни қўйидаги мезонлар бўйича олишлари мумкин:

хизмат бурчини бажариш вақтида кўрсатган қаҳрамонлиги, жасорати ва мардлиги учун – эгаллаб турилган маҳсус унвондаги хизмат муддатидан қатъи назар;

хизмат вазифаларини виждонан бажаргани ва ишдаги юксак ютуқлари учун – махсус унвон бўйича белгиланган хизмат муддатининг камида ярми ўтгандан кейин.

Мансабдор шахсларга махсус унвон эгаллаб турилган штатдаги лавозим бўйича белгилангандан бир даражага юқори унвон солик органларидағи хизматнинг бутун даври фақат бир марта берилиши мумкин.

39. Кўмита марказий ашпарати масъул таркибий тузилмаси, худудий солик органи ва идоравий мансуб таълим муассасаси раҳбари ўз ходимларининг махсус унвондаги хизмат муддати тугагач бир ой муддатда навбатдаги унвон бериш бўйича тегишли хужжатларни тақдим этишга мажбурдир.

Мансабдор шахсларни навбатдаги махсус унвон беришга тақдим этиш асоссиз равиша кечикирилган тақдирда юқорида келтирилган шахслар меҳнатга оид қонун хужжатларига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилади.

40. Назорат, хукуқни муҳофаза қилувчи ёки махсус унвон ва мартаба даражаси бўлиши назарда тутилган бошқа органлардан хизматта қабул қилинган ёки ўтказилган шахсларга махсус унвонлар, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, Кўмита раиси томонидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ берилади.

41. Мансабдор шахсларга берилган махсус унвонлар уларда умрбод сақланиб қолади.

42. Солик органларига хизматта қайтадан қабул қилинган шахсларда илгари берилган махсус унвонлар сақланади.

Бунда, агар эгаллаб турилган лавозим янада юқорироқ унвонни тақозо этса, у ҳолда ушбу унвон синов муддати тугагач берилади ва у илгариги махсус унвондан кўпи билан икки даражага юқори бўлиши керак.

Агар эгаллаб турилган лавозим пастроқ махсус унвонни тақозо этса, у ҳолда хизматта қайтадан қабул қилинган шахсларда уларнинг илгари берилган махсус унвони сақланиб қолади.

43. Мансабдор шахсларга навбатдаги махсус унвон беришга тавсия этишини кечикириш, махсус унвонни бир даражага пасайтириш Кўмита раиси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари бошликлари томонидан ўз ваколатлари доирасида, тегишли даражалардаги бошқарма раҳбарлари тақдимномасига биноан хизмат бурчини бузганлик, хизмат вазифаларини зарур тарзда бажармаганлик учун амалга оширилади.

Махсус унвони пасайтирилган мансабдор шахслар илгариги махсус унвонига Кўмита раиси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари бошликлари томонидан тегишли даражалардаги бошқармалар раҳбарларининг тақдимномасига биноан тикланадилар.

Мансабдор шахслар илгариги махсус унвонга тиклангунларигача уларга навбатдаги унвон берилишига ёки уларнинг махсус унвони тақроран пасайтирилишига йўл қўйилмайди.

44. Мансабдор шахслар махсус унвондан:

ўз номига иснод келтирувчи қилмишлари учун солиқ органларидан бўшатилганда;

жиноят содир этганлик учун – суднинг қонуний кучга кирган хукмiga биноан маҳрум этилиши мумкин.

45. Махсус унвонларга эга бўлган мансабдор шахсларга ҳар ойда махсус унвон ва кўп йил хизмат қилганлиги учун устама ҳақ тўланади. Махсус унвон учун (махсус унвон берилган вақтдан бошлаб тўланадиган) ва кўп йил хизмат қилганлиги учун (иш стажига кўра) устама ҳақ миқдорлари лавозим маошига нисбатан коэффициентлар билан (мазкур Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ) белгиланади.

Кўп йил хизмат қилганлик учун устама ҳақ олиш ҳукуқини берувчи иш стажи Қўмита раиси томонидан касаба уюшмаси органи билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

46. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказига ва солиқ коллажларига ишга қабул қилинган ва ўтказилган мансабдор шахсларда уларнинг илгариги махсус унвони, шунингдек, махсус унвон ва кўп йил хизмат қилганлик учун устамалар тўлаш тартиби сақланиб қолади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказида ва солиқ коллажларида ишлаган вақт давлат солиқ хизмати органларига хизматга қайтиб келинганда махсус унвондаги хизмат муддатига кўшилади.

6-боб. Хизматдан бўшатиш

47. Мансабдор шахсларни хизматдан бўшатиш Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига мувофиқ амалга оширилади.

48. Жиноят содир этганлик учун жазоланган мансабдор шахслар хукм қонуний кучга киргандан кейин солиқ органларидан бўшатиладилар.

49. Вафот этган, ҳалок бўлган ёки белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб эътироф этилган мансабдор шахслар солиқ органларининг ходимлар таркибидан чиқариладилар.

7-боб. Яқунловчи қоида

50. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати
органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомга
1-илова

**Давлат солиқ хизмати органлари маҳсус увонларининг
бошқа давлат органларининг увон ва мартаба даражаларига нисбатан
ТАҚКОСЛАНМАСИ**

Т/Р	Давлат солиқ хизмати органларининг маҳсус увонлари	Ички ишлар органларининг маҳсус увонлари	Ҳарбий увонлар	Божхона органларининг маҳсус увонлари	Прокуратура (шу жумладан ҳарбий прокуратура) органларининг мартаба даражалари	Адлия органларининг мартаба даражалари	Суд органларининг мартаба даражалари
1	Солиқ хизматининг III даражали инспектори	Лейтенант	Лейтенант	Божхона хизмати лейтенанти	3-даражали юрист, адлия лейтенанти	3-даражали юрист	3-даражали юрист
2	Солиқ хизматининг II даражали инспектори	Катта лейтенант	Катта лейтенант	Божхона хизмати катта лейтенанти	2-даражали юрист, адлия катта лейтенанти	2-даражали юрист	Бешинчи малака даражаси, 2-даражали юрист
3	Солиқ хизматининг I даражали инспектори	Капитан	Капитан	Божхона хизмати капитани	1-даражали юрист, адлия капитани	1-даражали юрист	Тўртингчи малака даражаси, 1-даражали юрист
4	Солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси	Майор	Майор	Божхона хизмати майори	Адлия кичик маслаҳатчиси, адлия майори	3-даражали адлия маслаҳатчиси	Учинчи малака даражаси, 3-даражали адлия маслаҳатчиси
5	Солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси	Подполковник	Подполковник	Божхона хизмати подполковниги	Адлия маслаҳатчиси, адлия подполковниги	2-даражали адлия маслаҳатчиси	Иккинчи малака даражаси, 2-даражали адлия маслаҳатчиси
6	Солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси	Полковник	Полковник	Божхона хизмати полковниги	Адлия катта маслаҳатчиси, адлия полковниги	1-даражали адлия маслаҳатчиси	Биринчи малака даражаси, 1-даражали адлия маслаҳатчиси

7	Солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси	Генерал-майор	Генерал-майор	Божхона хизмати генерал-майори	3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, адлия генарап-майори	3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси	Олий малака даражаси
8	Солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси	Генерал-лейтенант	Генерал-лейтенант	Божхона хизмати генерал- лейтенанти	2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, адлия генерал- лейтенанти	2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси	
9	Солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси	Генерал- полковник	Генерал- полковник	Божхона хизмати генерал-полковниги	1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси	1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси	
10	Солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси						

Изоҳлар:

1. *Бошқа давлат органларининг унвон ва мартаба даражаларини давлат солиқ хизмати органларининг солиқ хизматининг давлат маслаҳатчилари маҳсус унвонларига тенглаштириши Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда амалга оширилади.*

2. *Солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси маҳсус унвонининг бошқа давлат органларининг унвонлари билан таққосламаси назарда тутилмаган.*

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ
хизмати органларида хизматни ўташ
тўғрисидаги Низомга
2-илова

**Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг лавозим
маошларига маҳсус унвон учун ҳар ойлик устама ҳақ
МИҚДОРЛАРИ**

Махсус унвон номи	Лавозим маошига кўшимча ҳақ миқдори (коэффициент хисобида)
солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси	0,65
солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси	0,60
солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси	0,55
солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси	0,50
солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси	0,45
солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси	0,40
солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси	0,35
солиқ хизматининг I даражали инспектори	0,30
солиқ хизматининг II даражали инспектори	0,25
солиқ хизматининг III даражали инспектори	0,20
солиқ хизматининг инспектори	0,15

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ
хизмати органларида хизматни ўташ
тўғрисидаги Низомга
3-илова

**Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг лавозим
маошларига кўп йил хизмат қилганлик учун ҳар ойлик устама ҳақ
МИҚДОРЛАРИ**

Иш стажи	Лавозим маошига устама ҳақ миқдори (коэффициент ҳисобида)
3 йилдан 5 йилгacha	0,05
5 йилдан 7 йилгacha	0,15
7 йилдан 10 йилгacha	0,20
10 йилдан 12 йилгacha	0,25
12 йилдан 15 йилгacha	0,30
15 йилдан 20 йилгacha	0,35
20 йилдан ортиқ	0,40

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “17” апрелдаги 320сон карорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси марказий аппарати
ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозим номи	Разрядлар
Раис	19
Раиснинг биринчи ўринbosари	18
Раис ўринbosари	17
Бошқарма бошлиғи	16
Котибият мудири, Бошқарма бошлиғи ўринbosари	15
Раис ёрдамчиси ва раиснинг биринчи ўринbosари ёрдамчиси, Бўлим бошлиғи, Протокол хизмати бошлиғи, Навбатчи қисм ва идоравий қўриқлаш бошлиғи	14
Бўлим бошлиғи ўринbosари*	
Шуъба ва канцелярия бошлиғи**	
Давлат солик бош инспектори, Давлат солик бош инспектори-тафтишчи, Бош суриштирувчи, Катта референт	13
Давлат солик катта инспектори, Давлат солик катта инспектори-тафтишчи, Катта суриштирувчи, Катта бухгалтер, Бош иқтисодчи, Бош мутахассис, Навбатчи	12
Давлат солик инспектори, Давлат солик инспектори-тафтишчи, Етакчи мутахассис, Етакчи бухгалтер, Навбатчи ёрдамчиси	11
I тоифали мутахассис	10
II тоифали мутахассис	9
Мутахассис	8
Раҳбар котиби	6

* Бўлим бошлиги ўринbosарига бўлим бошлиги ставкасидан 3% кам миқдорда.

**) Шуъба ва канцелярия бошлигига бўлим бошлиги ставкасидан 5% кам миқдорда.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “17” апрелдаги 320 сон қарорига
5-илова

**Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудларо давлат солиқ инспекцияси
ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳак тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозим номи	Разрядлар
Инспекция бошлиғи	16
Инспекция бошлигининг биринчи ўринбосари*	
Инспекция бошлиғи ўринбосари*	
Бўлим бошлиғи, Бош ҳисобчи, Навбатчи қисм ва идоравий қўриқлаш бошлиғи	14
Бўлим бошлиғи ўринбосари**	
Шуъба ва канцелярия бошлиғи**	
Давлат солиқ бош инспектори, Давлат солиқ бош инспектори-тафтишчи	13
Давлат солиқ катта инспектори, Давлат солиқ катта инспектори-тафтишчи, Катта бухгалтер, Бош иқтисодчи, Бош мутахассис, Навбатчи	12
Давлат солиқ инспектори, Давлат солиқ инспектори-тафтишчи, Етакчи мутахассис, Етакчи бухгалтер, Навбатчи ёрдамчиси	11
I тоифали мутахассис	10
II тоифали мутахассис	9
Мутахассис	8
Раҳбар котиби	6

*) Инспекция бошлигининг биринчи ўринбосарига инспекция бошлиги ставкасидан 3 %, инспекция бошлиги ўринбосарига – 5% кам миқдорда.

**) Бўлим бошлиғи ўринбосарига бўлим бошлиги ставкасидан 3%, шуъба ва канцелярия бошлигига – 5% кам миқдорда.

Вазирлар Мажкамасининг
2019 йил “17” апрелдаги 320 сон қарорига
6-илова

Қарақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
давлат солиқ бошқармалари ходимларининг Ягона тариф сеткаси
бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ

Лавозим номи	Гурухлар бўйича разрядлар			
	Гурухдан ташқари	1-гурух	2-гурух	3-гурух
Бошқарма бошлиғи	16	15	14	13
Бошқарма бошлигининг биринчи ўринbosари*				
Бошқарма бошлиғи ўринbosари*				
Бўлим бошлиғи, Бош ҳисобчи	14	13	12	11
Бўлим бошлиғи ўринbosари**				
Шуъба бошлиғи**, Навбатчи қисм ва идоравий қўриқлаш бошлиғи**				
Давлат солиқ бош инспектори, Давлат солиқ бош инспектори-тафтишчи, Бош суриштирувчи	13	12	11	10
Давлат солиқ катта инспектори, Давлат солиқ катта инспектори-тафтишчи, Катта суриштирувчи, Бош иқтисодчи, Бош мутахассис, Навбатчи	12	11	10	9
Давлат солиқ инспектори, Давлат солиқ инспектори-тафтишчи, Етакчи мутахассис, Етакчи бухгалтер, Суриштирувчи, Навбатчи ёрдамчиси	11	10	9	8
I тоифали мутахассис	10	9	8	7
II тоифали мутахассис	9	8	7	6
Мутахассис	8	7	6	5
Раҳбар котиби	6	6	5	5

*) Бошқарма бошлигининг биринчи ўринbosарига бошқарма бошлиғи ставкасидан 3%, бошқарма бошлиғи ўринbosарига – 5% кам миқдорда.

**) Бўлим бошлиғи ўринbosарига бўлим бошлиғи ставкасидан 3%, шуъба бошлиғига – 5% кам миқдорда.

Гурӯҳдан ташқари	1-гурӯҳ	2-гурӯҳ	3-гурӯҳ
Тошкент шаҳри	Қорақалпоғистон Республикаси	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти
	Андижон вилояти	Навоий вилояти	Сирдарё вилояти
	Қашқадарё вилояти	Наманган вилояти	
	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	
	Тошкент вилояти	Хоразм вилояти	
	Фарғона вилояти		

Вазирлар Махкамасининг
2019 йил “17” апрелдаги ~~320~~ сон қарорига
7-илова

**Туман(шаҳар)лар давлат солиқ инспекциялари ходимларининг
Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозим номи	Тошкент шаҳар туманлари	Туманлар (шаҳарлар) гурухлари бўйича разрядлар	
		1-гурух	2-гурух
Инспекция бошлиғи	12	13	12
Инспекция бошлигининг биринчи ўринбосари*			
Инспекция бошлиғи ўринбосари*			
Бўлим бошлиғи, Бош ҳисобчи	11	11	10
Бўлим бошлиғи ўринбосари**			
Шуъба бошлиғи**			
Давлат солиқ бош инспектори, Давлат солиқ бош инспектори-тафтишчи	10	10	9
Давлат солиқ катта инспектори***, Давлат солиқ катта инспектор-тафтишчи***, Бош мутахассис***, Навбатчи***			
Давлат солиқ инспектори, Давлат солиқ инспектори-тафтишчи, Етакчи мутахассис, Етакчи бухгалтер	9	9	8
I тоифали мутахассис	8	8	7
II тоифали мутахассис	7	7	6
Раҳбар котиби	5	5	5

*) Инспекция бошлигининг биринчи ўринбосарига инспекция бошлиги ставкасидан 3%, инспекция бошлиги ўринбосарига – 5% кам миқдорда.

**) Бўлим бошлиги ўринбосарига бўлим бошлиги ставкасидан 3%, шуъба бошлигига – 5% кам миқдорда.

***) Давлат солиқ катта инспектори, давлат солиқ катта инспектори-тафтишчи, бош мутахассис ва навбатчига давлат солиқ бош инспектори, давлат солиқ бош инспектори-тафтишчи ставкасидан 3% кам миқдорда.

1-гурұх

1. Нукус шаҳри
2. Құнғирот тумани
3. Хўжайли тумани
4. Беруний тумани
5. Тўрткўл тумани
6. Чимбай тумани
7. Элликқалъа тумани
8. Амударё тумани
9. Тахиатош тумани
10. Андижон шаҳри
11. Қўрғонтепа тумани
12. Шаҳрихон тумани
13. Андижон тумани
14. Жалақудук тумани
15. Избоскан тумани
16. Марҳамат тумани
17. Бухоро шаҳри
18. Фиждувон тумани
19. Ромитан тумани
20. Қоракўл тумани
21. Шофиркон тумани
22. Зомин тумани
23. Дўстлик тумани
24. Галлаорол тумани
25. Фориш тумани
26. Қарши шаҳри
27. Шаҳрисабз шаҳри
28. Шаҳрисабз тумани
29. Нишон тумани
30. Муборак тумани
31. Миришкор тумани
32. Чироқчи тумани
33. Гузор тумани
34. Яккабоғ тумани
35. Косон тумани
36. Қамаши тумани
37. Навоий шаҳри
38. Зарафшон шаҳри
39. Учкудук тумани
40. Қизилтепа тумани
41. Ҳатирчи тумани
42. Кармана тумани
43. Наманганд шаҳри
44. Косонсой тумани
45. Норин тумани
46. Учқўргон тумани
47. Чуст тумани
48. Поп тумани
49. Тўракўргон тумани
50. Самарқанд шаҳри

2-гурӯх

1. Шуманай тумани
2. Қонликўл тумани
3. Кегейли тумани
4. Мўйноқ тумани
5. Қораўзак тумани
6. Таҳтақўпир тумани
7. Нукус тумани
8. Ҳонабод шаҳри
9. Асака тумани
10. Балиқчи тумани
11. Бўз тумани
12. Булокбоши тумани
13. Пахтаобод тумани
14. Олтинкўл тумани
15. Хўжаобод тумани
16. Улугнор тумани
17. Когон шаҳри
18. Жондор тумани
19. Пешку тумани
20. Олот тумани
21. Бухоро тумани
22. Вобкент тумани
23. Когон тумани
24. Қоровулбозор тумани
25. Жиззах шаҳри
26. Бахмал тумани
27. Ш.Рашидов тумани
28. Паҳтакор тумани
29. Мирзачўл тумани
30. Арнасой тумани
31. Зарбдор тумани
32. Зафаробод тумани
33. Янгиобод тумани
34. Қарши тумани
35. Китоб тумани
36. Деҳқонобод тумани
37. Қасби тумани
38. Конимех тумани
39. Навбаҳор тумани
40. Нурота тумани
41. Томди тумани
42. Чорток тумани
43. Мингбулоқ тумани
44. Наманганд тумани
45. Уйчи тумани
46. Янгиқўргон тумани
47. Булунғур тумани
48. Нуробод тумани
49. Паҳтачи тумани
50. Оқдарё тумани

1-гурұх

51. Каттақүргон шахри
52. Ургут тумани
53. Нарпай тумани
54. Жомбай тумани
55. Самарқанд тумани
56. Иштихон тумани
57. Пайариқ тумани
58. Пастдарғом тумани
59. Каттақүргон тумани
60. Сирдарे тумани
61. Боёвут тумани
62. Сайхунобод тумани
63. Ховос тумани
64. Денов тумани
65. Шүрчи тумани
66. Шеробод тумани
67. Жарқүргон тумани
68. Сариосиё тумани
69. Музробод тумани
70. Олмалиқ шахри
71. Ангрен шахри
72. Бекобод шахри
73. Чирчиқ шахри
74. Бўстонлиқ тумани
75. Қибрай тумани
76. Зангюота тумани
77. Ўртачирчик тумани
78. Янгийўл тумани
79. Фаргона шахри
80. Кўқон шахри
81. Марғилон шахри
82. Куба тумани
83. Богдод тумани
84. Бешарик тумани
85. Ўзбекистон тумани
86. Тошлоқ тумани
87. Учкўприк тумани
88. Хива шахри
89. Ҳазорасп тумани
90. Хива тумани
91. Хонқа тумани
92. Бофот тумани
93. Шовот тумани

2-гурұх

51. Кўшработ тумани
52. Тойлоқ тумани
53. Гулистон шахри
54. Ширин шахри
55. Янгиер шахри
56. Сардоба тумани
57. Оқолтин тумани
58. Гулистон тумани
59. Мирзаобод тумани
60. Термиз шахри
61. Кумкўргон тумани
62. Узун тумани
63. Ангор тумани
64. Бойсун тумани
65. Қизириқ тумани
66. Олтинсой тумани
67. Термиз тумани
68. Нурафшон шахри
69. Охангарон шахри
70. Янгийўл шахри
71. Охангарон тумани
72. Оқкўргон тумани
73. Бекобод тумани
74. Бўка тумани
75. Куйичирчиқ тумани
76. Паркент тумани
77. Пискент тумани
78. Чиноз тумани
79. Юқориҷирчиқ тумани
80. Тошкент тумани
81. Кувасой шахри
82. Бувайдা тумани
83. Дангара тумани
84. Олтиарик тумани
85. Кўштепа тумани
86. Риштон тумани
87. Фаргона тумани
88. Ёзёвон тумани
89. Сўх тумани
90. Фурқат тумани
91. Урганч шахри
92. Урганч тумани
93. Кўшкўпир тумани
94. Гурлан тумани
95. Янгиарик тумани
96. Янгибозор тумани

Вазирлар Махкамасининг
2019 йил “17” апрелдаги 320-сон қарорига
8-илюва

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Махкамасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида” 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорининг:

3-илованинг рус тилидаги номидан “Государственного налогового комитета” сўzlари чиқариб ташлансин;

9-илованинг рус тилидаги номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Разряды и тарифные коэффициенты по оплате труда по ЕТС руководящих работников и специалистов Министерства финансов, Государственного комитета по содействию приватизированным предприятиям и развитию конкуренции, Государственного комитета по инвестициям, Министерства юстиции Республики Каракалпакстан, финансового управления, территориальных органов Госкомконкуренции, уполномоченных представителей Минвнешторг в Республике Каракалпакстан и областях, территориальных управлений Госкоминвестиций, территориальных подразделений Госкомтуризма, управлений юстиции областей и г. Ташкента».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 1-сон, 2-модда):

а) 4-банд чиқариб ташлансин;

б) 5-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“давлат солик органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида қўшимча ундириб олинган суммалар (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказиладиган маблаглардан ташқари, шу жумладан, пенялар) ҳамда солик ҳақидаги қонун хужжатларини бузганлик учун солинган молиявий жазо чоралари суммаларининг 40 фоизи миқдоридаги”;

учинчи хатбошидаги “25” рақами “40” рақами билан алмаштирилсин;

в) 8-илюва чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Махкамасининг “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш тўғрисида” 2000 йил 13 мартағи 87-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги “олти” сўзи “беш” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Назорат-тафтиш бош бошқармаси” сўзлари “Солик текширувлари ва мавзули экспресс-ўрганишлар бошқармаси” сўзлари билан алмаштирилсинг;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 5-банд чиқариб ташлансин;

г) 7-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Солик текширувлари ва мавзули экспресс-ўрганишлар бошқармаси, Солик соҳасида хукуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси ва уларнинг худудий бўлинмалари, шунингдек Йирик солик тўловчилар бўйича худудлараро давлат солик инспекцияси ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети хисобидан улар лавозим маошининг 20 фойзи миқдорида маҳсус устамалар жорий этилсин”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси раисининг ўринбосари лавозимини киритиш тўғрисида” 2007 йил 28 июндаги ПҚ-661-сон қарори)” 2007 йил 8 августдаги 168-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2007 й., 8-сон, 44-модда) 1-илованинг 1-банди “в” кичик бандининг учинчи хатбоши ва “г” кичик банди чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-иловасида:

а) 8-позиция қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“	8	Давлат солик кўмитаси	Давлат солик органлари томонидан олиб қўйилган ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар	25
			Солик тўғрисидаги қонунлар бузилганлиги учун молиявий жазолар ва маъмурий хукуқбузарликлар учун жарималар суммаси	40*** ”;

б) изоҳнинг учинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси ҳузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсинг.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда енгил хизмат автомашиналаридан фойдаланишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарори 1-иловасининг 36-позицияси қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“ 36	Давлат солиқ құмитаси	286	274	22	231	21	12	4
	Марказий аппарат	15	18	6	6	6		
	Вилоят бирликлари	44	42	14	14	14	2	5
	Туман бирликлари	209	200	-	200	-	9	4
	Тасаруфдаги ташкилотлар	18	14	2	11	1	4	22 ”.

7. Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 29 июнданынг 445-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 йил, 6-сон, 125-модда) билан тасдиқланган Туманлар (шахарлар) давлат солиқ инспекциялари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлар параметрларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва маҳаллий бюджетларниң даромадлар базасини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5, 6, 7-бандлардаги “участка солиқ инспекторлари” сўзлари “туман (шахар) давлат солиқ инспекцияси ходимлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Туман (шахар) давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўз ваколати доирасида:

вазирлик ва идоралар билан аниқлаштирилган маълумотлар олиш учун ўзаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширадилар;

камерал назоратни амалга ошириш чоғида аниқланган тағовутлар ва хатолар тўғрисида кейинчалик тегишли тузатишлар киритишни талаб қилиб Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 70-моддасига мувофиқ солиқ тўловчини хабардор қиласидилар;

тақдим этилган солиқ ҳисоботига ўн кун муддатда тузатиш киритиш ҳақидаги талабноманинг ўз муддатида бажарилиши назоратини юритадилар;

солиқ тўловчи томонидан солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот, камерал назорат натижалари юзасидан тағовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаган ҳолатларда солиқ тўловчи-юридик шахсларниң банк ҳисобвараклари бўйича операцияларни тўхтатиб турадилар”;

в) 13-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Камерал назорат натижалари бўйича туман (шахар) давлат солиқ инспекциялари ходимлари солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган ахборотнинг ишончлилигини ҳамда солиқ тўловчининг ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва божхона имтиёзларини кўллашнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун жойига борган ҳолда мавзули экспресс-ўрганишларни амалга оширадилар”;

г) 20-бандда:

олтинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“қонун бузилиш фактлари тўғрисидаги жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаатлари асосида, текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишган ҳолда тадбиркорлик субъектларида текшириш ўтказадилар”;

тўққизинчи хатбоши чикариб ташлансин;
ўнинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг янги формали кийим-боши ва фаркловчи белгиларини жорий этиш тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги 545-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошидаги “2017-2018” рақамлари “2019-2020” рақамлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “17” апрелдаги 320-сон қарорига
9-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб зътироф
этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ҳукуқий тартибга солишини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 38-сон, 187-модда) 1-бандининг иккичи ва учинчи хатбошилари ҳамда қарорга 1 ва 2-илловалар.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, соликлар ва бошка мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон Фармони)” 2017 йил 18 октябрдаги 847-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 10-сон, 242-модда) илованинг 1-банди “б” ва “в” кичик бандлари.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (“Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон Конуни” 2017 йил 1 декабрдаги 960-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 12-сон, 279-модда) илованинг 15-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-хукуқий ҳужжатлар изжосини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 15 февралдаги ПФ-5343-сон Фармони” 2018 йил 30 марта 252-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 3-сон, 71-модда) 1-илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроинтисидий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарори” 2018 йил 22 майдаги 384-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 5-сон, 121-модда) 1-илованинг 17-банди.